QQNUNCHILIK VA HUQUQ-TARTIBOT UCHUN

# POSTDA

GAZETA 1930-YIL 12-MAYDAN CHIQA BOSHLAGAN • 2009-yil 7-fevral, shanba • №6(3796)

# МИЛЛИЙ МАНФААТЛАРНИ ИНОБАТГА ОЛИШ — КОЛЛЕКТИВ ХАВФСИЗЛИК СОҲАСИДАГИ ҲАМКОРЛИК АСОСИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилоти (ОДКБ) Коллектив хавфсизлик кенгашининг 4 февраль куни Москва шаҳрида бўлиб ўтган навбатдан ташқари сессиясида иштирок этди.**

Хавфсизлик омили ҳар қандай тараққиётнинг асосидир. Бугун ҳеч бир мамлакат ҳозирги замоннинг глобал хавф-хатар ва таҳдидларидан ўзини мутлақо фориғ, деб кафолат бера олмайди. Президент Ислом Каримов мустақилликнинг дастлабки йилларидан ҳар қандай давлатнинг хавфсизлиги ва барқарорлиги фақат унинг ўзигагина боғлиқ эмаслигини, бунинг учун кенг кўламдаги халқаро ҳамкорлик зарурлигини таъкидлаб келади. Сўнгги йилларда рўй берган воқеалар бу фикрнинг тўғрилигини яна бир бор тасдиқлади.

Маълумки, терроризм, экстремизм каби ҳозирги замон хавф-хатар ва таҳдидлари чегара билмайди. Бу таҳдидлар сирасига айирмачилик, наркотик моддаларнинг ноқонуний айланиши ва қурол-яроғ контрабандаси ҳам киради. Айни пайтда улар ўзаро боғланиб кетган ва бир-биридан қувват олади.

Бундай мураккаб шароитда ОДКБга аъзо давлатларнинг мазкур хавф-хатарларни аниқлаш, уларнинг олдини олиш ва бартараф этишдаги ҳамкорлигини янада ривожлантириш айниқса долзарб аҳамият касб этади.

ОДКБ Коллектив хавфсизлик кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов, Россия Федерацияси Президенти Дмитрий Медведев, Арманистон Республикаси Президенти Серж Саргсян, Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенко, Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев, Қирғизистон Республикаси Президенти Қурманбек Бакиев, Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмон иштирок этдилар.

Саммитда ОДКБнинг коллектив оператив ҳаракат кучларини тузиш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Ушбу масала юзасидан фикр алмашув чоғида Президентлар тузилаётган коллектив оператив ҳаракат кучларининг таркибини, ваколат ва мажбуриятларини чуқур ўрганиш зарурлигини таъкидладилар. Мамлакатимиз раҳбари бунда ОДКБга аъзо давлатларнинг миллий манфаатларини, миллий қонунчилиги талабларини, шунингдек, минтақадаги мавжуд вазиятни инобатга олиш муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлади.

ОДКБ Коллектив хавфсизлик кенгашининг навбатдан ташқари сессияси якунида ташкилот фаолиятини янада такомиллаштириш борасидаги таклифлар асосан маъқулланди.

**Анвар БОБОЕВ,**
**ЎзА махсус мухбири.**

МИННАТДОРЧИЛИК

## ЎҒЛИМНИ БАҒРИМГА ҚАЙТАРИШДИ

**Андижон вилояти ИИБ бошлиги, генерал-майор Б. Сидиқов номига Андижон шаҳрининг Боғишамол даҳасида яшовчи фуқаро Осиёхон Ғиёсовадан миннатдорчилик хати келган. Мактубда жумладан шундай дейилади:**

*«Шу йил 14 январь куни 16 ёшли ўғлим Элдорбек Ғиёсов уйдан чиқиб кетиб, қайтиб келмади. У болаликдан ногирон, гапира олмайди. Мен Андижон шаҳар ИИБга мурожаат этдим. ЖҚ ва ТҚКБ тезкор вакили Улуғбек Камолов ўғлимни қидиришга тушди. Суриштирувда ўғлимнинг йўловчи машинада Хўжаобод туманига кетгани аниқланди. Улуғбек Камолов Хўжаобод тумани ИИБ профилактика инспекторлари Дилшодбек Мингбоев ва Маъмуржон Худойберганов билан биргаликда ўғлимни топди. Уларнинг саъй-ҳаракатлари туфайли ўғлим Элдорбек бағримга қайтди.*

*Бу фидойи ички ишлар ходимларига чин дилдан раҳмат айтаман».*

* * *

## КЎМАК УЧУН РАҲМАТ!

**Самарқанд вилояти Ургут тумани ИИБ бошлиги, подполковник М. Набиев номига «Зарафшон геология қидирув экспедицияси» давлат корхонаси раҳбарияти томонидан миннатдорчилик мактуби келди.**

*Чинор маҳалласи профилактика инспектори Ҳасан Аббосов «Золотинка» болалар-соғломлаштириш оромгоҳидаги буюмларнинг сақланишини таъминлашда барчага ўрнак бўладиган ишларни амалга оширди. Чунончи, унинг саъй-ҳаракати туфайли оромгоҳни сув билан таъминлайдиган тармоқдаги 10 метр кесиб олинган қувур кун давомида тикланиб, икки километрли водопровод тармоғининг музлаб қолишига йўл қўйилмаган ва оромгоҳга яна булоқ суви оқа бошлаган.*

*Профилактика инспектори Ҳ. Аббосов маҳаллий аҳоли ўртасида қонун ва қоидаларни бузишнинг оқибатини тўғри тушунтирган. У булоқ 43 йилдан буён оромгоҳга тегишли экани, қишлоқ аҳолиси эса геология корхонаси раҳбарияти рухсати билан 18 йилдан буён ичимлик сувидан фойдаланаётганини айтган.*

*Шу ўринда Ургут тумани ИИБга бўлимда хизмат қилаётган фидойи ходимларнинг ўз вақтида кўрсатган ёрдами учун раҳмат айтамиз.*

**«Зарафшон ГҚЭ» ДК директори А. АБДУМУТАЛОВ,**
**Касаба уюшмаси қўмитаси раиси А. МУСТАНОВ».**

## ХОДИМЛАР — ФЕРМЕРЛАРГА МАДАДКОР



Қишлоқларимизнинг янада обод бўлиб, аҳолининг фаровон турмуш кечириши биринчи галда, далаларда етиштирилаётган ҳосилнинг салмоғи ва сифатига боғлиқ. Шу боис ҳам жойлардаги фермер хўжаликларида ҳар бир қарич ердан унумли фойдаланишга, экинлардан мўл ҳосил олишга ҳаракат қилинаяпти. Айни кунларда республикамиз далаларида буғдойлар майса бўлиб кўкарган. Ризқ-рўзимиз пайҳон бўлмаслигининг олдини олишда ички ишлар ходимлари фермерларга яқиндан ёрдам беришяпти. Айниқса, профилактика инспекторлари ўз хизмат ҳудудларидаги ғаллазорларни доимий назоратга олишган.

**Эркин ТЎЛЯЕВ.**

**Суратда:** ***Термиз тумани ИИБ профилактика инспектори, капитан Ботир Хўжамбердиев «Янгиариқ» фермер хўжалиги раиси Юсуф Абдуназаров билан.***

**Абу КЕНЖАЕВ олган сурат.**

*Сурхондарё вилояти.*

*Мамлакатимизда гиёҳвандлик моддаларининг ноқонуний савдоси, истеъмол қилинишига қарши кескин кураш олиб борилмоқда.*

## ЎЗБЕКИСТОН

## ҲАФТА ИЧИДА

**● Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга Оқсаройда Швейцария Конфедерацияси, Ҳиндистон Республикаси ва Чехия Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчилари этиб тайинланган – Анн Боти хоним, Манал Шах Алкадри, Роберт Копецки ишонч ёрлиқларини топширди.**

● Ўзбекистон Республикаси Олий судида умумий юрисдикция судларининг 2008 йилда одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолияти ҳамда келгусидаги устувор вазифаларга бағишланган кенгайтирилган раёсат йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Олий суд судьялари, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича вилоят ва унга тенглаштирилган судлар раислари иштирок этди.

**● Ўзбекистон давлат консерваториясида Ҳиндистон Республикаси миллий байрами – Республика кунига бағишланган концерт бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ҳиндистоннинг мамлакатимиздаги элчихонаси ва Ўзбекистон – Ҳиндистон дўстлик жамияти ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирда жамоат ва халқаро ташкилотлар ҳамда юртимизда аккредитациядан ўтган дипломатик корпус вакиллари иштирок этди.**

● Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг Марказий офицерлар уйида «Ҳарбий ҳуқуқ ва унинг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида интизомни мустаҳкамлашдаги аҳамияти» мавзуида конференция бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси томонидан Мудофаа вазирлиги билан ҳамкорликда ташкил этилган ушбу анжуманда экспертлар, манфаатдор идоралар, маҳаллий ижро ҳокимияти органлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

**● Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат академик катта театрида 2008 йили мусиқа ва санъат йўналишида ўтган халқаро танловларда ғолибликни қўлга киритган ёш ижрочиларни тақдирлашга бағишланган «Тасанно – 2008» кечаси бўлиб ўтди. Унда халқаро кўрик-танловлар, фестивалларда ғолиб чиққан, санъат анжуманлари, концертларда муваффақиятли иштирок этган ёш ижрочилар ва уларнинг устозлари қатнашди.**

● Жиззах олий ҳарбий авиация билим юртида Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги қўшинлари ўртасида тош кўтариш бўйича чемпионат ўтказилди. Ҳарбий хизматчиларнинг жанговар қобилиятини янада ошириш мақсадида ташкил этилган ушбу анъанавий мусобақада 13 жамоа таркибида 83 нафар спортчи беш вазн тоифасида ўзаро куч синашди. Барча вазнлар бўйича энг юқори натижага эришган Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юрти жамоаси чемпионликни қўлга киритди.

**ОАВ хабарлари асосида тайёрланди.**

# ТАЙИНЛАНДИЛАР



**Сирдарё вилояти ИИБ бошлиғи ўринбосари – Шахсий таркиб билан ишлаш хизмати бошлиғи, майор Олимжон Маҳкамович Абдуллаев.**

Олимжон Маҳкамович Абдуллаев 1967 йилда туғилган. Маълумоти олий, ИИВ Академиясини тамомлаган. Ички ишлар идораларида хизматни 1997 йилда Тошкент вилояти ИИБ ЖИЭБга бўйсунувчи муассасалар шахсий таркибни жамлаш бўлинмаси инспектори лавозимидан бошлаган. 1998–2009 йилларда Тошкент вилояти ИИБ ШТБИХ инспектори, республика ИИВ ШТБИХ инспектори, катта инспектори, бўлим бошлиғи ўринбосари, бўлим бошлиғи лавозимларида хизмат қилган.



**Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ижтимоий ва молиявий таъминот хизмати, Молия-иқтисод бошқармаси бошлиғи ўринбосари, капитан Даврон Абдувалиевич Мустақимов.**

Даврон Абдувалиевич Мустақимов 1976 йилда туғилган. Маълумоти олий, Тошкент Молия институти, ИИВ Академиясини тамомлаган. Ички ишлар идораларида хизматни 2000 йилда Тошкент шаҳар ИИББ Молия-иқтисод бошқармаси ҳисобчиси лавозимидан бошлаган. 2001–2009 йилларда Тошкент шаҳар ИИББ молия-иқтисод бошқармаси инспектори, катта муҳандиси, бўлинма бошлиғи, бўлим бошлиғи, республика ИИВ Ижтимоий ва молиявий таъминот хизмати, Молия-иқтисод бошқармаси бош муҳандис-иқтисодчиси, бўлинма бошлиғи лавозимларида хизмат қилган.



**Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ижтимоий ва молиявий таъминот хизмати, Молия-иқтисод бошқармаси бошлиғи ўринбосари, молия таъминоти бўлими бошлиғи, капитан Ҳабибулла Убайдуллаевич Газиев.**

Ҳабибулла Убайдуллаевич Газиев 1976 йилда туғилган. Маълумоти олий, Тошкент Давлат техника университетини тамомлаган. Ички ишлар идораларида хизматни 2002 йилда республика ИИВ Капитал қурилиш ва таъмирлаш бошқармаси муҳандис-инспектори лавозимидан бошлаган. 2004–2009 йилларда ИИВ Капитал қурилиш ва таъмирлаш бошқармаси катта муҳандис-иқтисодчиси, ИИВ Ижтимоий ва молиявий таъминот хизмати, Молия-иқтисод бошқармаси бош муҳандис-иқтисодчиси, бўлинма бошлиғи лавозимларида хизмат қилган.

ТАДБИР

## ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

**Ўзбекистон Республикаси ИИВ Тергов Бош бошқармаси раҳбарияти томонидан 2008 йил якунларига бағишланган йиғилиш ўтказилди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ, Тошкент шаҳар ИИББ, вилоятлар ва Транспорт ИИБ тергов бошқармаларининг раҳбарлари қатнашдилар. Йиғилишни республика Ички ишлар вазирининг ўринбосари, полковник С. Нурматов олиб борди.**

Тадбирда жиноят содир этишда гумон қилинган шахсларга нисбатан материаллар бўйича дастлабки тергов ва терговгача текширув жараёнида қонунларга қатъий риоя этилишининг раҳбарлар томонидан идоравий назорати амалга оширилиши масаласи муҳокама қилинди. Маълумки, бугунги кунда фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларининг ҳамда қонуний манфаатларининг самарали ҳимоя қилинишини таъминлашга катта эътибор берилаяпти. Йиғилишда, шунингдек, жиноят ишларини тергов қилиш сифатини ошириш, тўпланган далиллар мақбуллигини чуқур таҳлил қилиш, аниқланган ҳолатларни, шахсларни ушлаш асослилигини тегишлича ҳуқуқий баҳолаш, жиноят процессининг ҳар бир иштирокчисига ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириш зарурлиги ҳақида гапирилди. Шунингдек, жиноий хатти-ҳаракат оқибатида етказилган моддий зарар ёки зиён қопланиши кераклиги таъкидланди.

Бундан ташқари, раҳбарларнинг эътибори айбланувчиларга нисбатан эҳтиёт чорасини танлаш борасида асосли қарор қабул қилиш, жиноят содир этилишига омил бўлган шарт-шароитларни ҳар томонлама ўрганиш, жиноятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш бўйича барча зарур профилактик чораларни кўриш масалаларига қаратилди.

Йиғилиш қатнашчилари кадрларнинг касбий тайёргарлигини ошириш, фуқароларнинг оғзаки ва ёзма мурожаатларини холисона кўриб чиқишга эришиш, қонун бузилишига доир, авваламбор фуқароларни асоссиз жиноий таъқиб қилиш, ушлаш, жиноят ишлари бўйича оворагарчиликларга тааллуқли ҳар бир ҳолат юзасидан дарҳол чора кўриш мақсадида терговчилар билан мунтазам равишда ўқув машғулотлари ўтказиб туриш зарурлигини таъкидладилар.

**С. УСМАНОВ,**
**республика ИИВ ТББ матбуот котиби, майор.**

## МУНОЗАРАЛАРГА БОЙ РУҲДА ЎТДИ

**Пойтахтимизда республика Адлия вазирлиги томонидан ташкиллаштирилган «Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш борасида амалга оширилган ишлар ва келажакдаги режалар» мавзуида матбуот анжумани бўлиб ўтди. Унда Адлия вазирлиги, Тошкент шаҳар адлия бошқармаси масъул ходимлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.**

Тадбирда республика Адлия вазирлиги ахборот хизмати раҳбари Турабек Тураев, Тошкент шаҳар адлия бошқармаси бошлиғи Хайриддин Файзиевнинг мавзу юзасидан маърузалари тингланди.

Анжуманда сўзга чиққанлар ҳуқуқий билим ва ҳуқуқий маданиятни янада юксалтириш ҳамда бу борада ОАВ, шу жумладан ҳуқуқий нашрларда фаолият юритаётган журналистларнинг роли ниҳоятда катта эканлигини таъкидлашди.

Тадбир савол-жавоб ва баҳс-мунозараларга бой руҳда ўтди.

**Фурқат ХОЛИҚУЛОВ,**
**«Постда» мухбири.**

## ГИЁҲВАНДЛИККА ҚАРШИ КУРАШАЙЛИК!

Кўпгина қинғир ишлар, жиноятлар замирида гиёҳвандлик моддалари билан боғлиқ бўлган сабаблар ётади. Яъни, таркибида инсон ҳаёти, саломатлиги ва руҳиятига қаттиқ таъсир кўрсатадиган турли наркотик моддалар истеъмол қилиниши оқибатида жиноий ҳаракатларнинг ҳам албатта юз бериши кўп бора кузатилган. Мамлакатимизда гиёҳвандлик моддаларининг ноқонуний савдоси, истеъмол қилинишига қарши кескин кураш олиб борилмоқда. Чунончи, бу борада республика Ички ишлар вазирлиги тизимларида икки босқичли «Қорадори» тадбири ўтказиб келинади. Бундан ташқари, ёшларимизни оғу офатидан асраш мақсадида ҳар йили февраль-март ойларида «Ёшлар орасида наркотик воситаларнинг тарқалишига қарши кураш ойлиги» тезкор-профилактик тадбири ўтказиш йўлга қўйилган.

Тошкент шаҳар ИИББда кенг қамровли тадбир бошланганини муносабати билан тезкор йиғилиш бўлиб ўтди. Унда иштирок этган Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЖҚ ва ТҚКББ бошқарма бошлиғи ўринбосари, подполковник Ю. Женгазиев тадбирнинг мақсад ва моҳияти хусусида атрофлича тўхталди.

Шунингдек, йиғилишда сўзга чиққанлар томонидан республика Ички ишлар идоралари бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва ташкилотлар билан ҳамкорликда бугунги куннинг энг долзарб масалаларидан бири бўлган ёшларнинг наркотик моддалар билан боғлиқ жиноятларни содир қилиши ва гиёҳвандлик йўлига киришига сабаб бўлаётган омилларни бартараф этиш лозимлиги таъкидланди. Шу билан бирга, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш бўйича чора-тадбирларни кўриш зарурлиги қайд этилди.

**Самариддин ХАЛИЛОВ.**
*Тошкент шаҳри.*

## КАДРЛАР ЎҚУВИ

**Сурхондарё вилояти ИИБда кадрларни танлаш, тарбиялаш, жой-жойига қўйиш ҳамда уларнинг жисмоний, жанговар ва касбий тайёргарлиги, ижтимоий-сиёсий билимларини оширишга алоҳида эътибор берилаяпти. Айниқса раҳбар кадрлар захирасига олинган ходимларни ўқитиш, касб малакасини ошириш билан боғлиқ вазифалар асосий диққат эътиборда бўлаяпти.**

Айни кунларда вилоят ИИБ соҳавий хизматлари ва шаҳар-туман ИИБ раҳбар лавозимларига захирага олинган кадрлар билан ўқув машғулотлари олиб борилмоқда. Бунда захирадаги кадрлар хизмат, жисмоний ва жанговар тайёргарлигини янада яхшилашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Дастлабки машғулотни вилоят ИИБ бошлиғи, полковник М. Жабборов, бошқарма шахсий таркиб билан ишлаш хизмати бошлиғи, полковник Ҳ. Бегматовлар олиб бордилар.

**Баҳриддин ЗАЙНУТДИНОВ,**
**капитан.**

## ПОСБОНЛАР САРАЛАНДИ

Андижон шаҳридаги маиший касб-ҳунар коллежи биносида «Маҳалла посбонлари» жамоат тузилмалари сардорлари фаолиятига бағишланган шаҳодат кўриги бўлиб ўтди. Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси, «Камолот» ЁИҲ вилоят бўлими, вилоят ИИБ томонидан ташкил этилган ушбу кўрикда маҳаллаларда хизмат қилаётган 785 нафар посбонлар иштирок этди. Уларнинг фаолияти атрофлича ўрганилиб, ўз вазифасига бўлган муносабати, маънавий, ахлоқий фазилатлари, ҳуқуқий билим даражалари юзасидан маълумот тўпланди. Уч кун давом этган шаҳодат натижасига кўра 647 нафар посбонлар фаолияти қониқарли баҳоланди. 138 нафарига нисбатан билдирилган муносабатлар ҳокимликларга тақдим этилди ва уларнинг фаолияти юзасидан қилиниши лозим бўлган муҳим тавсиялар берилди.

**Козимжон ЙЎЛДОШЕВ,**
**капитан.**

*Андижон вилояти.*

ОЛОВ – ТИЛСИЗ ЁВ



# ОФАТ ЎЗ-ЎЗИДАН КЕЛИБ ЧИҚМАЙДИ

Республика ИИВ Ёнғин хавфсизлиги Бош бошқармаси ва унинг вилоятлардаги бошқарма ҳамда бўлинмалари аҳоли турар жойларида ёнғинларнинг олдини олиш юзасидан бир қанча чора-тадбирларни амалга оширмоқда. Ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари ўзларига бириктирилган ҳудудлардаги ишлаб чиқариш, савдо-саноат ва бошқа тармоқлар масканларида ёнғин хавфсизлиги қоидалари тарғиботини кучайтирган ҳолда меҳнат жамоалари, аҳолининг кенг қатламлари билан учрашув ва суҳбатлар ўтказишмоқда. «Ўзбекнефтегаз», «Ўзбекэнерго», «Саноатконтехназорат», «Ўздавнефтгазназорат»лари, маҳаллалар, ўзини ўзи бошқариш идора ва ташкилотлари билан ҳамкорликда ёнғинларга олиб келувчи омилларни бартараф этишга қаратилган тадбирлар ўтказиляпти.

Маълумотларга кўра, ўтган йили республикамизнинг аҳоли турар жойларида табиий газдан нотўғри фойдаланиш, шунингдек, газ плитаси ва ускуналари носозлигидан 692 та, газ ва тутун мўрилари носозлигидан эса 1941 та, газ билан ишлайдиган печлар носозлиги туфайли 769 та турли даражадаги ёнғинлар содир бўлган. Бу рақамлар остида катта салбий оқибатлар бор. Уй-жойларда олиб борилган суриштирув ишлари давомида маълум бўлишича, ёнғин техник талабларга мутлақо жавоб бермайдиган газ плитаси, жиҳозлар ва печлардан фойдаланиш оқибатида келиб чиқаётганлигини кўрсатади.

Қашқадарё вилояти Ғузор туманида яшовчи фуқаро А. Мўминов хонадонида ошхонага ўрнатилган газ плитаси носозлиги сабабли газ сизиб чиқади. Буни сезмаган уй эгаси хонага кириб электр чироғини ёқиши билан йиғилган газ ва ҳаво аралашмасининг чақнаши содир бўлиб, уй эгаси 20 фоизли куйиш тан жароҳати олган ва туман шифохонасига ётқизилган.

Самарқанд туманида яшовчи М. Мирзаева ўғли Ф. Усмановни уйда ёлғиз қолдиради. Уй бекаси ошхонадаги газ плитаси устига қуритиш учун кийимларни ёйиб қўйганлиги оқибатида газ плитаси устига ёйилган кийимлар ёниб, ошхонада ўйнаб ўтирган Фаррухнинг устига тушади ва бола 70 фоизли куйиш тан жароҳати олиб шифохонага ётқизилади. Аҳволи оғирлиги сабабли болакай шифохонада ҳаётдан кўз юмди.

Келтирилган мисоллар жойларда нафақат иқтисодий тизимда, балки аҳоли турар жойларида ҳам газдан фойдаланишда бир қатор камчиликларга йўл қўйилаётганлигини кўрсатади.

Қаерда ва қайси бир хонадон, идора, ташкилот ёки муассасада табиий газдан нотўғри фойдаланиш, техник талабга жавоб бермайдиган газ ускуналарини қўллаш каби ҳолатларга йўл қўйилар экан, ўша жойда ёнғин офати хавф солиши ҳеч гап эмас. Шундай экан, ҳар бир хонадон ва иншоотларда ёнғин хавфсизлиги қоидалари бузилишининг олдини олиш учун жамоатчиликнинг масъулиятини ошириш керак.

**Улуғбек ВАФОЕВ.**

ПАЙҲОН

**Нон – ризқ-рўзимиз. Унинг мўл-кўллиги далаларимизда униб-ўсаётган буғдой майсаларининг баравж ривожланишига боғлиқ. Зеро, бугунги нозик майса эртанги мўл-ҳосил гарови, юртимиз ғалла мустақиллигининг ишончли кафолатидир.**

# ҒАЛЛАМИЗНИ АСРАЙЛИК

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Қишлоқ хўжалиги экинларини пайҳон қилинишига қарши курашишни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори пайҳоннинг олдини олишда дастуруламал бўлмоқда. Мазкур қарор ижросини таъминлаш мақсадида Ички ишлар вазирлиги соҳавий хизматлари ва уларнинг жойлардаги тизимлари томонидан бир қатор чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Жойларда ички ишлар идоралари ходимлари ўзини ўзи бошқариш органлари ва кенг жамоатчилик билан ҳамкорликда қишлоқ хўжалиги экинларининг пайҳон қилиниши ва нобуд бўлишига олиб келган ҳолатларни аниқлаш, айбдор шахсларга нисбатан қонуний чоралар кўришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Чорва молларини экинзорлар ҳудудига киришига йўл қўймаслик мақсадида аҳоли ва фермерлар ўртасида тушунтириш ишлари олиб бориляпти. Буғдойзорлар атрофини четанлаш бўйича ҳам бир қатор ишлар амалга оширилди. Бажарилаётган ишлар юзасидан маълумотларни жамлаб бориш, уларни таҳлил ва назорат қилиш мақсадида вилоят ва туман ИИБларида ишчи гуруҳлари тузилган.

Қишлоқ хўжалиги экинларининг пайҳон қилиниши ва нобуд бўлишининг олдини олиш борасидаги ишларни ташкил этиш мақсадида ички ишлар вазирлигининг масъул раҳбар ходимлари жойларга юборилди. Улар томонидан маҳаллий ҳокимликлар, ўзини ўзи бошқариш органлари, кенг жамоатчи вакиллари иштирокида йиғилишлар ўтказилиб, амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар белгилаб олинди.

Бугунги кунда ғалла экин майдонларини пайҳон қилинишининг олдини олиш мақсадида республикамиз бўйича 1338 та кузатув гуруҳи тузилди. Кузатув гуруҳларига тўрт минг олти юз нафардан зиёд ички ишлар ходимлари, 5027 нафар маҳалла посбонлари сардорлари ва 16731 нафар дала қоровулларининг жалб этилиши бу борадаги ишларни янада жонлантириб юборди. Ўтказилаётган рейдлар натижасида шу кунга қадар республикамиз бўйича ғалла экинзорларини пайҳон қилиш билан боғлиқ 1115 та ҳолат аниқланди. 85 гектардан зиёд ғалла майдони пайҳон қилингани оқибатида фермер хўжаликларига 54 миллион сўмликдан зиёд зарар етказилган. Пайҳонга йўл қўйганлиги учун судлар томонидан 947 нафар фуқарога қарийб ўн олти миллион сўм миқдорда жарима солинди. Улардан етказилган моддий зарар ундирилди.

Мисол учун, Навоий вилояти Навбаҳор туманида яшовчи фуқаро А. Зариповнинг боқувидаги 287 бош қўй ва эчки «Дилхирож» фермер хўжалиғининг 0,50 гектар ғалла майдонини пайҳон қилиб, хўжаликка 450 минг сўм миқдорда зарар етказгани аниқланди. Ушбу ҳолат юзасидан туман судининг қарорига асосан А. Зариповга жарима солиниб, етказилган зарар тўлиқ ундирилди.

Тадбир жараёнида 1475 бош қорамол ва 3052 бош қўй-эчки экинзорларда юргани аниқланди. Ғалла майдонларини пайҳон қилганлиги учун жойлардаги маъмурий комиссияларнинг қарорларига асосан 44 бош қорамол ва 140 бош қўй-эчки сўйилиб, уларнинг гўшти кам таъминланган оилалар, болалар боғчалари ва мактаб-интернатларга тарқатилди.

Бир сўз билан айтганда, Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида қишлоқларимиз фаровонлиги, дастурхонларимиз тўкинлиги бугун ниш уриб, панжалаётган майсаларнинг беталафот униб-ўсишига боғлиқ. Шундай экин, буғдойзорларни пайҳон қилинишидан сақлаш, нобудгарчиликларга йўл қўймаслик ҳар биримизнинг бурчимиздир.

**Норали ОЧИЛОВ,**
**республика ИИВ Матбуот маркази бош инспектори, лейтенант.**

# РИЗҚ-РЎЗИМИЗ ТОПТАЛМАСИН!

***Фурқат туманида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Қишлоқ хўжалиги экинларини пайҳон қилинишига қарши курашишни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ижросини таъминлашга жиддий киришилган.***

– 2009 йил Юртбошимиз томонидан «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» деб номланганлигини инобатга оладиган бўлсак, бугунги саъй-ҳаракатларимиз эртанги кундаги тўкин-сочинликни таъминлашда муҳим аҳамият касб этади, – дейди туман ИИБ бошлиғи ўринбосари, майор Азизжон Деҳқонов. – Шуни кўзлаган ҳолда пайҳонгарчиликка қарши курашда халқ таълими, «Камолот» ЁИҲ туман бўлимлари ва ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорлик ўрнатганмиз.

Айтиш керакки, назарда тутилаётган масала дастлаб туман ИИБ шахсий таркиби ўртасида атрофлича ўрганиб чиқилиб, ҳар бир ходимнинг вазифалари аниқ белгилаб берилди.

Шунингдек, ғаллачилик билан шуғулланаётган деҳқон-фермер хўжаликлари раҳбарлари билан ҳамжиҳатликда иш олиб бориш, аҳоли ўртасида ва айниқса, умумтаълим мактаблари ҳамда ўрта махсус ўқув юртларида тез-тез учрашувлар ўтказилиб, пайҳонгарчиликнинг ҳуқуқий оқибатлари тўғрисида тушунтирилмоқда.

Айни пайтда фуқаролардан ўзларининг чорва ҳайвонларини ғаллазорларда боқмаслик ва ипакчилик саноатининг хом ашёси ҳисобланмиш тут дарахтларини нобудгарчиликдан асраш борасида тилхатлар олинмоқда. Худди шунингдек, кузатув постларини кўпайтириб, дала қоровуллари фаолиятининг самарадорлигини ошириш ҳам доимий диққат марказида бўлмоқда.

Ғалла майдонлари атрофини четан билан ўраш ҳам эртанги кундаги ризқ-рўзимиз топталмаслигига ва пайҳон этилмаслигига ишончли кафолат бўлади.

Ўтган йилнинг охирги икки ойи мобайнида буғдойзорларни пайҳон қилиш билан боғлиқ 25 та ҳолат аниқланиб, айбдорларга жиноят ишлари бўйича туман суди томонидан қонуний чоралар кўрилди.

**Ҳаётжон АБДУЛЛАЕВ,**
**катта лейтенант.**

*Фарғона вилояти.*

ИИВ МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАР ҚИЛАДИ

## ТАҚИНЧОҚЛАР «ШАЙДОСИ»

Тошкент вилоятининг Бўка туманида яшовчи фуқаро Н. Нафисанинг хонадонида ўғирлик содир бўлди. Номаълум шахс эшик қулфини бузиш йўли билан уйга кириб, ичкаридан беш турдаги қимматбаҳо тақинчоқларини олиб, воқеа жойидан яширинган. Туман ИИБ ходимлари томонидан кўрилган тезкор чоралар натижасида ушбу жиноятни С. Наргиза содир этгани аниқланди. Тақинчоқлар «шайдоси» бўлган қиз энди қонун олдида жавоб беради.

## ФИРИБГАР АЁЛ

А. Ойнисанинг фарзанди касал бўлиб қолди. У жигарпорасига шифо излаб юрган вақтда бир аёл уни кўчада тўхтатиб «Фол очиб, фарзандинг касалига даво топиб бераман» деб алдаб, заргарлик тақинчоқларини олиб кетган. Шайхонтоҳур тумани ИИБ ходимлари томонидан амалга оширилган саъй-ҳаракатлар натижасида фирибгар аёл – К. Саодат эканлиги аниқланиб, қўлга олинди.

## ЎЗ КАСБИНИНГ «УСТА»ЛАРИ

Қашқадарё вилоятидаги автомобиль эҳтиёт қисмлари билан савдо қилувчи дўкон эшигининг қулфи номаълум шахслар томонидан бузилиб, у ердан «Зил» юк машинасининг эҳтиёт қисмлари ўғирлаб кетилганди. Олиб борилган тезкор тадбирлар чоғида ушбу жиноятни муқаддам судланганлар – К. Носир, Р. Жасур ва В. Рустам содир этгани фош этилди. Мазкур ҳолат юзасидан тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

## ОВ ҚУРОЛИ ОЛИБ ҚЎЙИЛДИ

Фуқаро О. Неъмат Наманган вилояти Уйчи тумани ИИБ ходимлари томонидан тўхтатилиб текширилганда, унинг сумкаси ичидан ИИБ рўйхатида бўлмаган «ТОЗ» русумли, 12 калибрли ов қуроли топиб олинди. Энди у қуролни нима мақсадда олиб юрганини тушунтириб беришига тўғри келади.

**Ёқубжон БОБОЖОНОВ,**
**сафдор.**

# ЖАҲОН



## АЙВОНИДА

### «АРТЕК» САҚЛАБ ҚОЛИНАДИ

Маълумки, дунёга машҳур «Артек» халқаро болалар оромгоҳи иқтисодий ночор аҳволга тушиб қолганди. Эътиборсизлик оқибатида бу сўлим гўшадан файз кетиб, унинг тақдири кўпчиликни ташвишга солаётганди. Яқинда Украина Вазирлар Маҳкамаси «Артек»ни сақлаб қолиш ва ривожлантириш бўйича қарор қабул қилди.

### РЕКОРД ДАРАЖАДАГИ ИШСИЗЛИК

БМТ маълумотига қараганда, 2008 йили Зимбабведа ишсизлик 94 фоизгача ўсган. Ўтган йилнинг охирида мамлакат аҳолиси 11,35 миллион нафарни ташкил этгани ҳолда атиги 600 мингдан кўпроқ одам иш билан банд бўлган. Охирги беш йилда 3 млн.га яқин фуқаро иш қидириб хорижга чиқиб кетган.

### ГРИППГА ҚАРШИ ЯНГИ ДОРИ

Японияннинг Соғлиқни сақлаш ва меҳнат вазирлиги ҳомийлигида бир гуруҳ олимлар гриппга қарши универсал дори яратди, деб хабар беради «Иомиури» газетаси. Шу пайтгача кашф этилган дорилар вирус қобиғидаги оқсилга таъсир қилар эди. Янги дори эса вирус таркибидаги ўзгармайдиган оқсилга ҳам таъсир кўрсата олади.

### КЕМА ҚОЛДИҚЛАРИ ТОПИЛДИ

Американинг «Odyssey Marine Exploration» компанияси бундан салкам уч аср бурун йўқолган «Виктория» кемаси қолдиқларини топганини маълум қилди. Бу кема Лиссабондан Буюк Британия томон йўлга чиққан ва 1744 йилнинг 4 октябрида чўкиб кетган.

### СУНЪИЙ ЙЎЛДОШ УЧИРИЛДИ

Япония атмосферага кўтариладиган зарарли газларни назорат қилиш мақсадида фазога янги сунъий йўлдош учирди. Хабарларга қараганда, мамлакатнинг Танегашима оролидан учирилган мазкур «N–2A» ракетаси билан бирга яна саккизта кичик сунъий йўлдош ҳам учирилган, деб хабар беради РАТА ТАСС ахборот агентлиги.

Маҳаллий матбуотнинг ёзишича, «N–2A» фазодаги метан ва карбон диоксиди газларининг миқдорини аниқлайди. Бундай усул орқали глобал иқлим ўзгариши муаммоларига қарши курашишнинг янги йўлларини кашф этиш мумкин.

**Интернет ва ОАВ хабарлари асосида тайёрланди.**

*Шунингдек, илгари судланганлар, темир йўлчилар, аёллар, вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятлар камайди.*

ТРАНСПОРТ ИИБДА

**Мамлакатимизда транспорт соҳаси ривожланмоқда. Шу билан бирга пўлат излар ва ҳаво йўлларида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш ва жамоат тартибини сақлашга алоҳида эътибор қаратиляпти. Ишончли, қулай ва хавфсиз бўлган транспорт тизимида жиноятчиликка қарши кураш, содир этилган жиноятларни «иссиқ изида» очиш, йўловчилар хавфсизлигини таъминлаш борасида Транспорт ИИБ ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўлими томонидан бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.**

# ИМКОНИЯТЛАР ИШГА СОЛИНЯПТИ

– Маълумки, юртимизда интеграциялашув жараёнларининг тезлашувида фуқароларимизнинг чет давлатларга бориб ишлашга эҳтиёжи кучаймоқда, – дейди бошқарма ҲООБ бошлиғи, подполковник Ҳожиакбар Султонов. – Бу эса ўз навбатида, фуқароларимизнинг чет ва МДҲ давлатларига узоқ муддатга ишлаш мақсадида чиқиб кетиш ва кириб келишларини тартибга солишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Шунинг учун бу борада бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар билан ҳамкорликда иш олиб бориш йўлга қўйилган.

Таъкидлаш жоизки, ўтган йили ходимлар томонидан ҳудудий ИИБлар, ИИВ ХЧК ва ФРБ Давлат чегараларини қўриқлаш қўмитаси ва бошқа давлат идоралари билан ҳамкорликда қатор тадбирлар ўтказилди. Темир йўл ва ҳаво транспорти орқали республикамиз ҳудудига кириб келган фуқароларнинг 576 нафари Ўзбекистонга кириш ва бўлиш қоидасини бузгани, 15 нафари эса одам савдоси билан боғлиқ қонунбузарлик қилгани аниқланди.

Масалан, Бухоро ТИИБга Қашқадарё вилояти Муборак шаҳрилик Б. Жўраев ва О. Болтаев ариза билан мурожаат қилган. Бухоро вилояти Олот тумани Жумабозор қишлоғилик Илҳом Мирзаев уларнинг фуқаролик паспортини тортиб олиб, Россия Федерациясига ишга олиб бораман, деб алдаганлиги аниқланган. Ўтказилган тезкор тадбирлар натижасида И. Мирзаев Б. Жўраев ва О. Болтаевларни Бухоро-1 бекатидан олиб кетаётган пайтида Бухоро ТИИБ ЖҚ ва УЖҚКБ тезкор вакили, капитан Б. Тўхтаев, Транспорт ИИБ ҳамда Бухоро ТИИБ ҲООБ инспекторлари капитан А. Исраилов ва лейтенант К. Абдуллаев томонидан ушланди.

Ҳамкорликда амалга оширилаётган ишлар самарасини беряпти. Ўтган йили 2007 йилга нисбатан 55 дан ортиқ жиноятларнинг олди олинди. Бевосита профилактика хизмати ходимлари томонидан 340 дан ортиқ жиноят очилди. Шунингдек, илгари судланганлар, темир йўлчилар, аёллар, вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятлар камайди. Албатта, бундай ижобий кўрсаткичлар замирида соҳа ходимларининг машаққатли хизмати, фидойилиги ётибди. Бўлим ходимлари фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, жамоат тартибини сақлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш мақсадида, «Антитеррор – Тозалаш», «Ойна», «Қорадори», «Ўсмир», «Таътил», «Ғамхўрлик», «Хавфсизлик», «Орият», «Ўқувчи» каби профилактик тадбирларда фаол иштирок этмоқда. Бунинг самараси ўлароқ, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликлар ўз вақтида фош этилишига эришилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, бўлим ходимлари ўз олдига қўйган вазифаларни уддалаш учун бор имкониятлардан фойдаланишмоқда.

**Азизжон ФАЙЗИЕВ,**
**«Постда» мухбири.**



**Суратда:** *подполковник Ҳ. Султонов ВЕЁҲООБ катта инспектори, майор Б. Қурбонов ҳамда ҲООБ инспектори, капитан А. Исроилов билан иш пайтида.*

**Абу КЕНЖАЕВ олган сурат.**

ОСОЙИШТА ЮРТ ОБОД БЎЛАДИ

# МАМЛАКАТИМИЗ ДАХЛСИЗЛИГИ ЙЎЛИДА

**Мамлакатимиз жанубий сарҳадлари Термиз шаҳридан бошланади. Бу қадим ва навқирон шаҳар шарқ билан ғарбни боғловчи Буюк ипак йўлининг муҳим бўғини ҳисобланган.**

Ватанимизнинг ҳар қарич ери муқаддас. Мамлакатимиз ҳудудига ноқонуний юклар – қурол-яроғ, гиёҳванд ва портловчи моддалар, диний-экстремистик руҳидаги адабиётларнинг кириб келмаслиги борасида ҳуқуқ-тартибот идоралари томонидан пухта ғов қўйилган.

Чегара ва чегараолди ҳудудларда тинчлик, осойишталикни таъминлаш, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, ҳуқуқбузарликлар ва жиноятчиликнинг олдини олиш ҳамда унга қарши курашишда Сурхондарё вилояти ИИБ Патруль-пост батальони шахсий таркибининг хизмати катта бўляпти. Юксак жисмоний ва жанговар тайёргарликка эга, вазифа ва бурчларини чуқур англайдиган йигитлардан ташкил топган жамоа кечани кеча, кундузни кундуз демай тинчлик, осойишталик, ҳуқуқ-тартибот ва жамоат тартибини сақлашда фидойилик қилишмоқда.

Улар уч босқичда, 45 йўналишда хизмат вазифаларини ўтамоқда. Кечки ва тунги вақтларда соҳавий хизматлар, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш идоралари, жамоатчилик билан ҳамкорликдаги фаолияти туфайли ҳуқуқбузарликлар ва жиноятчиликнинг олдини олиш ҳамда унга қарши кураш самарадорлиги ошмоқда.

Ўтган йилда патруллар томонидан 25 та жиноят фош этилди. Ҳамкорликда эса 210 та жиноят очилди.

— «Хайратон» кўприги ҳудудида хавфсизлик ва осойишталикни таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар ва жиноятчиликнинг олдини олиш асосий вазифамиздир, — дейди кичик сержант Фурқат Мустарамов. — Чегарачилар билан ёнма-ён туну кун хизмат вазифамизни бажармоқдамиз.

Отлиқ суворийлар чегара бўйлаб хизмат вазифасига киришадилар. Уларнинг нигоҳлари ўткир, сергак. Ҳушёр, бурчи ва вазифасига садоқатли бундай посбонлар бор экан, юртимиз осойишта бўлади.

**Сафарали ОМОНТУРДИЕВ.**
*Сурхондарё вилояти.*

ҚОНУНЧИЛИКНИ ЎРГАНАМИЗ

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2008 йил 4-5 декабрь кунлари бўлиб ўтган XVI ялпи мажлисида жамият ва давлат ҳаётида муҳим аҳамият касб этадиган бир нечта қонунлар маъқулланди. Ана шундай қонунлардан бири «Адвокатура институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунидир. Мазкур қонун 2009 йил 1 январда матбуотда эълон қилинди ва кучга кирди.**

# ҲИМОЯ ҲУҚУҚИ

Қонуннинг асосий мақсади, шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини бевосита ҳимоя қилиш вазифаси юклатилган, фуқаролик жамиятининг асосий ва муҳим институтларидан бири бўлган адвокатура институтини янада ислоҳ қилишдир. Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ қилишнинг ҳозирги босқичи ҳам суд-ҳуқуқ тизимини янада либераллаштириш, фуқароларнинг тергов ва суд ишларини юритишнинг ҳар қандай босқичида малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқини кафолатлайдиган конституциявий нормани тўлиқ амалга оширишни таъминловчи ҳуқуқий базани такомиллаштиришдан иборат.

Мазкур Қонун билан Жиноят, Жиноят-процессуал, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларга ҳамда «Адвокатура тўғрисида»ги, «Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида»ги қонунларга бир қанча ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Жумладан, ЖПКга киритилган янги тартиб-қоидалар билан айбланувчи (ЖПК 46-моддаси), гумон қилинувчи (ЖПК 48-моддаси), ҳимоячининг процессуал ҳуқуқлари кенгайтирилди. Масалан, эндиликда айбланувчи ёки гумон қилинувчи қамоққа олингани ёки турган жойи тўғрисида адвокатига ёки яқин қариндошларига телефон орқали қўнғироқ қилиш ёки хабар бериш, шунингдек, ҳимоячиси билан сони ва давом этиш вақти чекланмаган ҳолда холи учрашиши, ишдаги ҳужжатлардан техника воситаси ёрдамида ўз ҳисобидан нусхалар олиш ёки бошқа шаклда қайд этиш ҳуқуқига эга бўлди. Шу билан бирга, айбланувчи ва гумон қилинувчига кўрсатув беришдан бош тортиш ёки рад этиш ҳамда кўрсатувларидан жиноят ишига доир далил сифатида фойдаланилиши мумкинлиги ҳақида хабардор бўлиш ҳуқуқи берилди. Булардан ташқари, жабрланувчи, фуқаровий даъвогар ёки жавобгарларга ҳам ўз ҳисобидан ишдаги ўзига тегишли бўлган ҳужжатлардан техника воситаси ёрдамида нусхалар олишига имкон яратилди.

Энг муҳими, мазкур Қонун билан Жиноят-процессуал кодексига «Гувоҳнинг адвокати» деб номланган янги 66[1]-модда киритилди. Унга кўра, гувоҳга жиноят ишининг исталган босқичида, яъни суриштирув, дастлабки тергов ёки судда гувоҳнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда унга зарур юридик ёрдам кўрсатиш мақсадида адвокат кўмагидан фойдаланишга рухсат берилди. Эндиликда гувоҳнинг адвокати ишда иштирок этишга адвокатлик гувоҳномасини кўрсатгач ва ордер тақдим этгач, гувоҳ чақирилган пайтдан эътиборан қўйилади. Жиноят ишида тарафлар манфаатини ҳимоя қилаётган шахс гувоҳнинг адвокати бўлиши мумкин эмас. Ушбу моддада гувоҳ адвокатининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳам белгилаб қўйилди. Мазкур Кодекснинг 114-моддасига киритилаётган ўзгартишларда сўроққа ўз адвокати билан ҳозир бўлган гувоҳ ёки жабрланувчини сўроқ қилиш адвокат иштирокида амалга оширилиши назарда тутилди. Адвокат сўроқ тугаганидан кейин гувоҳ ва жабрланувчининг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатлари бузилганлиги тўғрисида арз қилишга ҳақли; унинг ана шу арзлари сўроқ қилиш баённомасига киритилиши лозим. Шунингдек, гувоҳ ўзига қарши кўрсатув бермаслик ҳуқуқига эга.

Айни бир вақтда Жиноят-процессуал кодексининг «Гувоҳнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари» деб номланган 66-моддаси гувоҳларга адвокатнинг юридик ёрдамидан фойдаланиш, шунингдек, тергов ҳаракатларида адвокат билан бирга ҳозир бўлиш, ўзига қарши кўрсатув бермаслик ҳуқуқини берадиган норма билан тўлдирилди. Қонун ҳужжатларига киритилган яна бир янгилик шундан иборатки, унга биноан ҳимоячи ишга тааллуқли ахборотга эга бўлган шахсларни сўровдан ўтказиш ҳамда уларнинг розилиги билан ёзма тушунтиришлар олиш, давлат ва нодавлат ташкилотларга сўров юбориш ва улардан ҳужжатлар, тушунтириш хатлари олиб, ишга қўштириш каби ҳуқуқлардан фойдаланиши мумкин. Айни шу ҳуқуқнинг тўлиқ таъминланиши мақсадида ҳамда «Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида»ги Қонунининг 7-моддасида белгиланган талаб, яъни адвокатнинг муайян ишни ўрганишига тўсқинлик ва таҳдид қилиш, ҳақоратлаш каби адвокатнинг профессионал фаолиятини бажаришга ҳалақит берганлик учун қонун ҳужжатларига биноан жавобгарликка сабаб бўлиши белгилаб қўйилди. Ҳозирги кунга қадар адвокатлик фаолиятини амалга оширишга тўсқинлик қилганлик учун қонун ҳужжатларида жавобгарлик назарда тутилмаган эди.

Гувоҳнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш юзасидан қўшимча механизм яратиш мақсадида ЖКнинг 240-моддасида жиноят процессини юритиш қатнашчилари ўз зиммасидаги вазифани бажаришдан бўйин товлаганлиги учун жавобгарлик белгилаш билан бирга, бундай ҳолатда жавобгарликка тортилмаслиги керак бўлган жиноят процесси иштирокчилари кўрсатилган қаторга гувоҳ ҳам киритилди. Унга кўра, гувоҳ ўзига қарши кўрсатув беришни рад этганлиги учун жавобгарликка тортилмаслиги белгилаб қўйилди.

Жиноят процессининг исталган босқичида юридик ёрдам олиш ҳуқуқини кафолатлайдиган конституциявий нормани амалга ошириш мақсадида Жиноят-процессуал кодексининг «Ҳимоячи» деб номланган 49-моддаси жиноят процессининг ҳар қандай босқичида, шахс ушлаб турилганида эса унинг ҳаракатланиш эркинлигига бўлган ҳуқуқи ҳақиқий чекланган пайтдан эътиборан ишда ҳимоячи иштирок этишига йўл қўйилишини таъминлайдиган норма билан тўлдирилди. Кодекснинг «Мутахассис» деб номланган 69-моддасига киритилган ўзгартишлар суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд мутахассисни ҳимоячининг илтимосномасига кўра жалб этиши тартиб-таомилини белгилаб берса, «Далиллар тўплаш» деб номланган 87-моддада ҳимоячи далиллар сифатида фойдаланиши мумкин бўлган маълумотларни тўплаши тартиби аниқлаштирилди. Шу билан бирга, ҳимоячининг ўзи тўплаган матери-

**ХИЗМАТЛАРДА**

# САРҲАДЛАР ОСОЙИШТАЛИГИНИ КЎЗЛАБ

**Воҳанинг шарқий қисми «Сумсар – Ширдоғ» тоғ ёнбағирларидан бошланувчи қишлоқлар ўзининг ажойиб табиати, тоза ҳавоси, зилол суви танти, мард, ориятли одамлари билан бошқалардан ажралиб туради. Баландликка кўтарилган сайин қишлоқларнинг бўй-басти кўз ўнгингизда кафтдек намоён бўлади. Гарчи, атрофини қор қоплаган бўлса-да, харсанг тошлар остидан сизиб чиқаётган сон-саноқсиз шифобахш булоқлар суви булутлар оша мўралаб турган қуёш нурида ўзгача жилваланади.**

– Бу гўшада яшовчи кишиларнинг одамохунлиги, бетакрор табиатининг хусусиятларини ҳар қанча таърифласанг кам. Аҳоли асосан деҳқончилик ва чорвачилик ортидан рўзғор тебратади. Эътиборли томони, деярли ҳар бир хонадонда от боқилади. Тўйлар, халқ сайиллари кўпкарисиз ўтмайди, – дейди вилоят ИИБ тоғли ҳудуд ЖҚБ бошлиғи, капитан Умид Азимов. –Сарҳадларимиз Тожикистон Республикаси билан туташиб кетгани, икки давлат фуқаролари ўртасида азалий ўзаро борди-келди ва қариндошлик ришталарининг узвий боғлангани боис, аҳоли ўртасида мунтазам равишда профилактик ишлар амалга ошириб келинмоқда. Бунда хорижий давлат фуқароларининг мамлакатимизга меҳмонга келиши, вақтинча яшаш тартиб-қоидалари тушунтирилаяпти.

Ўтган йилда тоғ олди қишлоқларига ноқонуний йўллар билан меҳмонга келган бир неча қоидабузар оқсоқоллар ва фаоллар кўмагида аниқланиб, тегишли чоралар кўрилди. Шунингдек, изқуварлар томонидан амалга оширилган тезкор тадбирлар туфайли 56 та жиноят «иссиқ изида» фош этилди. Жумладан, тезкор вакиллар томонидан ўтказилган тадбир давомида қамашилик А. Олим ва Н. Хол 502 грамм марихуана моддасини 135 минг сўмга пуллаётганларида қўлга олинди. Шу билан бирга, жиноят содир этиб тергов идораларидан қочиб юрган 9 нафар қидирувдаги шахс ушланди, бедарак йўқолган фуқаро оиласи бағрига қайтарилди.

Бундан ташқари, тезкор вакиллар туманлар ИИБлари, ҳудуддаги «Мингчинор» мунтазам ЙПХ маскани ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари билан воҳага ноқонуний товар-моддий бойликлар кириб келишининг олдини олиш мақсадида ҳамкорлик ишларини амалга ошириб келаётир. Биргина ўтган йилда бўлим изқуварлари томонидан 5253190 сўмлик турли хил моддий товарлар аниқланди.

Эл-юрт осойишталиги бебаҳо неъмат. Буни дилдан ҳис этган осойишталик посбонлари «Тозалаш – Антитеррор», «Қорадори», «Арсенал», «Паспорт-виза» каби кенг қамровли тадбирларда фаол иштирок этиб, хизматда самарадорликни қўлга киритишмоқда. Тезкор тадбирларда қишлоқ оқсоқоллари, фаоллар, «Ҳисор» давлат қўриқхонаси ва ўрмон хўжалиги ходимлари билан бирга ҳудуддаги даралар, сойликлар, яйловларда назорат-кузатув ишлари мунтазам олиб борилмоқда. Бунда катта лейтенантлар Анвар Маматов ва Нодир Исмоилов каби изқуварлар ҳамкасбларига ўрнак бўлишаяпти.

**Ҳамза ЖАМОЛОВ,**
**катта лейтенант.**
**Содиқ РАҲИМОВ,**
**журналист.**

*Қашқадарё вилояти.*

# ЖАМОАТ ТАРТИБИ ТАЪМИНЛАНМОҚДА

Жамоат тартибини сақлаш, жиноятларнинг олдини олиш, ҳуқуқбузарликка йўл қўймаслик... Бунинг ортида заҳматли меҳнат, уйқусиз, бедор тунлар, беҳаловат кунлар, касбига садоқат, она юрт тинчлиги, осудалигига масъуллик каби қатор сифатлар турибди. Бу сифат эгалари деб бемалол ички ишлар идоралари ходимларини, хусусан, Патруль-пост хизмати ходимларини айтиш мумкин. Айнан улар доимо халқ билан бирга, аҳолининг тинчлиги, осойишталиги, жамоат тартибини таъминлашга жавобгардирлар. Яқинда Тошкент шаҳар ИИББ Патруль-пост хизмати бригадасида ўтган йил давомида хизмат вазифасига масъулият билан ёндашиб, ўз бурчини аъло даражада бажариб келаётган ва юқори кўрсаткичларга эришган айрим ходимларни тантанали равишда мукофотлаш маросими бўлиб ўтди.

Тадбирда «Антитеррор», «Тозалаш», «Пойтахт», «Тун», «Тўсиқ», «Орият», «Арсенал» каби тадбирларнинг самарали олиб борилиши натижасида жиноятлар ўз вақтида очилаётгани таъкидланди.

2008 йил 22 декабрь куни тунги соат 03 ларда ҳеч қаерда ишламайдиган Тимур ва унинг икки шериги – Эркин ва Асрор ўзаро жиноий тил бириктириб, Мирзо Улуғбек туманидаги хонадонлардан бирига ўғирликка тушиб, нархи 2 млн сўмдан ортиқ бўлган электр кабелини ўғирлаб кетаётганида профилактика инспектори, катта лейтенант К. Бекматов ва ППХ бригадаси 1-батальони 3-отряд милиционери, сержант Д. Эштаев томонидан қўлга олиниб, туман ИИБга топширилди.

Тошкент шаҳар ИИББ Патруль-пост хизмати бригадасида ёш, жасур, чаққон, интилувчан, руҳан тетик ёш ходимлар хизмат қилаётганини айтиб ўтиш жоиз.

**Тўлаган АБДУЛЛАЕВ,**
**капитан.**

*Тошкент шаҳар.*

**ТЕРГОВ АМАЛИЁТИДАН**

# ҲИЙЛАСИ ЎТМАДИ

**Эрталаб ишга бораётган Шербек Назиров (исм-шарифлар ўзгартирилган) «Нексия», «Тико»ларда кетаётган танишларини кўриб, ичи ёнди. Наҳотки, бир умр машина миниш орзусида ўтса?! Йиққан пули машинанинг ғилдирагига ҳам етмайди. Бирор ҳийла ўйлаб топиш керак. Хаёлига келган фикрдан қувониб кетди. Одамлардан қарзга деб пул олади, кейин у ёғи бир гап бўлар.**

У шу мақсадда тумандаги фермер хўжаликларидан бирининг раҳбари олдига борди.

– Ака, беш миллион сўм зарур бўлиб қолди. Ўн кун ичида қайтараман. Кейин хурсанд бўласиз. Фермер хўжалиги ҳисоб рақамига 20 миллион сўм ўтказиб бераман, – деди жилмайиб.

Шербекнинг йирик корхонада иқтисодчи эканлигини билган фермер А. Турсунбой гўё осмондан чалпак ёққандай севиниб кетади ва ўша куниёқ беш миллион сўмни қўшқўллаб Шербекка тутқазади.

Мингандан кейин бошқалар ҳавас қиладиган «супер»идан миниш керак, албатта. Шербек яна бир фермерга катта ваъда бериб, уч миллион сўм ундиради. Таниш бир аёлни эса 3 минг «кўкига» туширади.

Қарз эвазига олган машинада бораётган Шербек танишларини четлаб ўтадиган, хушласа саломлашиб, хушламаса кўрмаганга олиб кетадиган бўлиб қолади.

Қарз берганлар эса «Қачон Шербек айтган кун келаркин», деб пойлаб зерикишади.

Корхона раҳбарлари бу ҳангомани эшитиб лол бўлиб қолишади. Ҳисоб-китобни аранг эплайдиган Шербекнинг ҳийласи ошкор бўлгач, ўзини оқлаш учун минг бир баҳонани излайди. Бироқ унинг алдовига учиб қолганларнинг кўрсатмалари, гувоҳлар олдида лол эди.

Шу ўринда биз жабр кўрган фермерларни оқламоқчи эмасмиз. Чунки, улар Шербекнинг ваъдасига ишониб, корхона пулидан фойдаланмоқчи бўлишган. Корхонанинг даромади дарёнинг суви эмаски, ким хоҳласа челаклаб олиб кетадиган. Улар қонун, қоидаларни яхши билганларида ва амал қилганларида эди, бир ҳийлагарнинг тузоғига илинмаган бўлардилар.

**Ҳайитбой ХОЛБОЕВ,**
**майор.**

*Сирдарё вилояти.*

# ЯНАДА КЕНГАЙДИ

алларни ишга қўшиб қўйиш тўғрисидаги илтимосномаси суриштирувчи, терговчи, прокурор томонидан қаноатлантирилиши шартлиги ҳам белгилаб қўйилди.

Жиноят-процессуал кодексининг «Жиноят иши қўзғатилгунга қадар ушлаб туриш тартиби» деб номланган 224-моддаси ички ишлар органи ходими ёки бошқа ваколатли шахс ушлаб турилган шахсга адвокатга ёки яқин қариндошига телефон орқали қўнғироқ қилиш ёхуд хабар бериш, ҳимоячига эга бўлиш, кўрсатувлар беришни рад этиш бўйича процессуал ҳуқуқларини тушунтириши, шунингдек, у берган кўрсатувлардан жиноят ишига доир далиллар сифатида унинг ўзига қарши фойдаланилиши мумкинлигини билдириши шартлиги ҳақидаги норма билан тўлдирилди. Ушлаб турилган шахснинг ҳимоячи билан биринчи холи учрашувига Кодекснинг 230-моддасига киритилган ўзгартишларга мувофиқ сўроққа қадар рухсат берилади.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс адвокатнинг профессионал фаолиятига унинг сўровига жавоб тақдим этмаслик, шунингдек, адвокатнинг ишда иштирок этишига тўсқинлик қилиш мақсадида унга қандай шаклда бўлмасин таъсир ўтказиш ёки унинг топшириқ берувчи, бинобарин ишонч билдирувчи шахс (ҳимояси остидаги шахс) манфаатларига зид бўлган позицияни мажбуран эгаллашига эришиш тарзида тўсқинлик қилганлик учун маъмурий жавобгарлик жорий этадиган $197^1$-модда билан тўлдирилди. Бу тоифага кирадиган ишларни кўриб чиқиш маъмурий ишлар бўйича судьялар ихтиёрига берилди.

«Адвокатура тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига киритилган ўзгартишлар билан «Адвокат» тушунчаси таърифига бағишланган 3-модда адвокатнинг асосий адвокатлик фаолиятидан ташқари ҳақ тўланадиган бошқа турдаги фаолият билан шуғулланишини тақиқловчи норма билан тўлдирилди (илмий ва педагогик фаолият, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси ва унинг ҳудудий бошқармаларидаги фаолият бундан мустасно). Ушбу Қонунга киритилган, адвокат мақомига эга бўлиш тартибини белгилайдиган $3^1$-моддага кўра, адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензия адлия органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг ҳудудий бошқармалари ҳузурида тузиладиган малака комиссияларининг (13-модда) қарорлари асосида берилади. Айни вақтда лицензия олиш учун риоя этилиши шарт бўлган янги талаб ҳам киритилди. Бу юридик мутахассислик бўйича камида икки йиллик иш стажига эга, шу жумладан, адвокатлик тузилмасида камида олти ой стажировка ўтаган бўлишлари белгиланганлигидир. Шунингдек, малака имтиҳонини топширган шахс уч ой ичида лицензия олиш учун адлия органларига мурожаат этиши кераклиги, бу муддат ўтказиб юборилган тақдирда мазкур шахс малака имтиҳонини такроран топшириши шартлиги назарда тутилди. Адвокатликка талабгор лицензия олганидан кейин уч ой ичида адвокатлик қасамёдини қабул қилиши ва адвокатлик тузилмасини тузиши ёхуд фаолият кўрсатаётган адвокатлик тузилмаларидан бирига аъзо бўлиб кириши шарт. Адвокатлик тузилмаси рўйхатдан ўтказилган ёки талабгор фаолият кўрсатаётган адвокатлик тузилмасига кирганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар адлия органлари томонидан қабул қилиб олинган пайтдан эътиборан уч иш куни ичида талабгорга адвокатлик мақоми олганлигини ҳам тасдиқлайдиган гувоҳнома берилади. Адвокатлар палатасининг ҳудудий бошқармаси гувоҳнома берилганлиги ҳақидаги хабарномани олган пайтдан эътиборан адвокат Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг аъзоси саналади.

Амалдаги Қонуннинг 4-моддасига киритилган ўзгартишлар билан адвокатура фаолиятининг янги ташкилий шакли – юридик маслаҳатхоналар жорий этилди. Юридик маслаҳатхоналар бошқа адвокатлик тузилмаларидан (адвокатлик бюроси, адвокатлик фирмаси, адвокатлар ҳайъати) фарқли равишда рўйхатдан ўтказилмайди, балки адлия органлари томонидан ҳисобга олинади. Шу билан бирга, адвокат ўз фаолиятини фақат битта адвокатлик тузилмасида амалга оширишга ҳақли эканлиги белгилаб қўйилди. Қонунга киритилаётган $4^1$-$4^4$-моддаларда адвокатлик бюроси, адвокатлик фирмаси, адвокатлар ҳайъати ва юридик маслаҳатхоналарнинг ҳуқуқий мақоми, шунингдек, уларни ташкил этиш тартиби ўз аксини топган. «Адвокатура тўғрисида»ги Ўзбекистон Қонуни адвокатлар зиммасига Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси томонидан белгиланадиган тартибда уч йилда камида бир марта касб малакасини ошириш мажбуриятини юклайдиган норма (7-модда), адвокатнинг стажёри мақомини белгилайдиган $8^1$-модда, юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисида битим (шартнома) тузишнинг умумий қоидаларини белгилайдиган $9^1$-модда билан тўлдирилди.

«Адвокатура тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси ва унинг ҳудудий бошқармаларини тузиш тартибини, тузилмасини, шунингдек, фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайдиган тўртта ($12^1$-$12^4$) модда билан тўлдирилди. Қонуннинг $13^1$-моддасида адвокатга гувоҳнома берган адлия органининг қарори билан адвокат мақомини тўхтатиб туриш тартиби ва асослари белгилаб қўйилди. 14-моддада адвокатнинг интизомий жавобгарлиги чоралари аниқлаштирилди. Чунончи, мазкур чораларни қўллашга адвокат томонидан қонун ҳужжатлари талабларини ҳамда Адвокатнинг касб одоби қоидаларини бузганлиги асос бўлади. Юқорида кўрсатиб ўтилганлардан ташқари, адлия органи ёки Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг ҳудудий бошқармаси томонидан интизомий иш қўзғатиш учун адвокатнинг ноқонуний хатти-ҳаракатлари юзасидан жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари, суднинг адвокатга нисбатан чиқарган хусусий ажрими ҳам асос бўлади. Бунда интизомий жазо чоралари огоҳлантириш, лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш ёки тугатишдан иборат бўлади. 15-моддага мувофиқ, лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб турешга адвокатнинг жиноий жавобгарликка тортилиши, адвокат томонидан адвокатура тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талаблари, адвокатнинг касб одоби қоидалари ва адвокат қасамёди бузилганлиги аниқланиши, Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси ҳудудий бошқармаси ёки адлия органи қарорлари адвокат томонидан бажарилмаганлиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги асос бўлади. Лицензиянинг амал қилишини тугатиш асослари мазкур Қонуннинг янги таҳрирдаги 16-моддасида баён этилган.

Хулоса ўрнида шуни алоҳида қайд этиш жоизки, мазкур Қонун мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этишнинг ҳозирги босқичидаги муҳим вазифалардан бири ҳисобланган адвокатура институтини янада эркинлаштириш ва адвокат фаолиятини такомиллаштириш, шунингдек, жамиятда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш жараёнида нодавлат ташкилотларидан бири бўлган адвокатуранинг ўрни ва таъсирини кучайтиришга хизмат қилади.

**Нодир МУХТОРОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти етакчи илмий ходими.**

ЮКСАК МУКОФОТ СОҲИБЛАРИ

# МЕҲНАТИДАН БАХТ ТОПИБ...

**Халқимиз тинчлиги ва хавфсизлигини таъминлаш осойишталик посбонларидан касб маҳорати, жисмоний ва маънавий баркамоллик, жасурлик талаб этади. Бундай даражага эришиш ўз-ўзидан бўлмайди, албатта. Республика ИИВ Тошкент Олий ҳарбий-техник билим юртида бўлғуси офицерларни метин иродали, жисмонан бакувват, теран фикрловчи, маънан етук кадрлар қилиб тарбиялаш мақсадида пухта таълим-тарбия берилмоқда. Ватанимиз тинчлик-осойишталигини таъминлашдек шарафли вазифаларни уддалай оладиган профессионал офицер-кадрларни етиштириб чиқаришда билим масканида хизмат қилаётган профессор-ўқитувчиларнинг ҳам муносиб ҳиссаси бор, албатта. Ана шундай заҳматкаш инсонлардан бири полковник Аброр ҲАЙДАРОВдир.**



Аброр Ҳайдаров Нурота шаҳридаги ўрта мактабни тамомлагач, ҳозирги Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети тарих факультетининг кечки бўлимига ўқишга қабул қилинади. Кундузи эса қурилишда дурадгор бўлиб ишлайди. Бу орада ҳарбий хизматга бориб, йигитлик бурчини ўтаб қайтади. Университетни имтиёзли битириб, 1994 йилгача фалсафа кафедрасида ўқитувчи, доцент, кафедра мудири лавозимларида ишлади. Педагоглик фаолиятидан ташқари илмий иш билан ҳам мунтазам шуғулланади. 1984 йилда фалсафа фанлари номзоди илмий даражасини олиш шарафига муяссар бўлди.

1994 йил А. Ҳайдаровнинг ҳаётида туб бурилиш ясаган муҳим давр бошланади. У ИИВ Тошкент Олий ҳарбий-техника билим юртига ишга қабул қилинади. Табиатан интизомли, масъулиятли бўлгани боис билим юрти раҳбарияти томонидан берилган барча топшириқларни сидқидилдан бажариб, тез орада жамоада ҳурмат-эътибор топади. Хизмат пиллапояларидан кўтарила бориб ижтимоий-сиёсий фанлар кафедраси бошлиғи ўринбосари, билим юрти ўқув бўлими бошлиғи ўринбосари, илмий ва таҳрир-наширлик ишлари бўлими бошлиғи – илмий котиб лавозимларида фаолият юритади. 2004 йилдан бошлаб эса ижтимоий-гуманитар фанлар кафедраси бошлиғи. Шу билан бир вақтнинг ўзида илмий-услубий бўлим бошлиғи – илмий котиб вазифаларини ҳам бажариб келган. Айни кунларда қаҳрамонимиз билим масканининг ўқув бўлими бошлиғи сифатида самарали хизмат қилмоқда. Кадрларни тарбиялашдаги алоҳида хизматлари учун Ички ишлар вазирининг фахрий ёрлиғи ҳамда «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 15 йиллиги» эсдалик нишони билан тақдирланган.

А. Ҳайдаров билим юрти профессор-ўқитувчиларининг профессионал малакасини ошириш борасида тегишли тадбирлар ўтказишга раҳбарлик қилиб келмоқда. Шахсий таркиб билан ҳарбий ва махсус тайёргарлик бўйича машғулотлар ташкиллаштириш ҳамда илмий, услубий конференция ва семинарлар, илғор педагогик технологиялар муаммоларига бағишланган ўқув-услубий йиғинлар ўтказилишида фаол иштирок этиб келаяпти.

Жумладан, у 2008 йилда билим юртида бўлиб ўтган «Бўлинмаларнинг чўл шароитида жанговар ҳаракатларни олиб бориш хусусиятлари» ҳамда «Юртбошимиз Ислом Каримовнинг «Юксак маънавият – енгилмас куч» китоби ғояларидан ижтимоий, гуманитар, тарбиявий, иқтисодий ва ҳуқуқий йўналишидаги фанлар мавзуларини ўқитишда фойдаланиш масалалари» мавзуидаги илмий-назарий семинарларнинг ташкил этилиши ва ўтказилишига раҳбарлик қилди.

А. Ҳайдаровнинг бевосита раҳбарлигида бир неча ходим фан номзодлиги бўйича муваффақиятли диссертация ёқлаган. У қатор дарслик ва ўқув қўлланмаларига тақризлар ёзиб, 20дан ортиғига эса масъул муҳаррирлик қилган. Билим юрти ўқитувчилари ва курсантлари учун кўплаб илмий-услубий, ҳамда ўқув қўлланмалари ишлаб чиққан. Хусусан унинг «Умумий социология», «Социология асослари», «Ижтимоий-сиёсий тайёргарлик асослари» ўқув қўлланмалари чоп этилган. Республикамизнинг етакчи файласуф олимлари томонидан 2005 йилда тайёрланган «Фалсафа қомусий луғати»нинг ҳаммуаллифидир.

У билим юртида ўқув-тарбиявий жараённи такомиллаштириш мақсадида ҳарбий таълим дастурларини модернизация қилишда, ўқув жараёнини замонавий дарсликлар, ўқув фильмлари, электрон дарсликлар билан таъминлашда жонбозлик кўрсатмоқда.

– Билим юртида таҳсил олаётган ёшлар ўзларининг касб маҳоратларини, билимларини ошириб бормоқда, – дейди биз билан суҳбатда А. Ҳайдаров. – Биз мураббийлар майдонда саф тортган қадди-қомати келишган, кийимлари ўзларига ярашиб турган, қарашларидан қатъият порлаган маънан етук, жисмонан бақувват ёшларни кўриб фахрланамиз, қалбларимиз ғурур ва ифтихорга тўлади.

Қаҳрамонимиз жамоада муносиб ҳурмат-эътиборга эга эканлигини уларнинг фикрларидан билса бўлади.

Ахборот технологиялари кафедраси бошлиғи, полковник Умарбек Жўрабеков: – Аброр Ҳайдаров билим масканида талабчан, меҳнатсевар, софдил инсон сифатида танилган. Бошқарув ҳужжатларини, буйруқлар ва Умумҳарбий низомлар талабларини кундалик хизмат фаолиятида моҳирлик билан қўллаб келмоқда. Хизматда ҳамиша ташаббускор, ўз соҳасини пухта биладиган мутахассис бўлиб, зиммасига юклатилган вазифага доимо катта масъулият билан ёндашади.

Тарбиявий ишлар кафедраси бошлиғи вазифасини бажарувчи, майор Шуҳрат Ҳотамов: – Шундай улуғ, олижаноб инсонга шогирд эканлигимдан доимо фахрланаман. Педагогик фаолиятимда ҳамиша устознинг йўл-йўриқлари, маслаҳатларига амал қиламан.

Фидойи инсон Аброр Ҳайдаров Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига биноан Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан «Фидокорона хизматлари учун» ордени билан мукофотланди. Бахтини меҳнатдан, касбидан топган полковник Аброр Ҳайдаровга яна узоқ йиллар ёшларга устозлик, мураббийлик қилиб, шогирдлари камолини кўриб юришларини тилаб қоламиз.

**Фурқат ХОЛИҚУЛОВ,**
**«Постда» мухбири.**

ЭЪТИРОФ

# ҲАВАС ҚИЛАР БАРЧА УНГА

**Баҳорнинг айни чирой очган пайти. Шаҳар майин шамоллар бағрида, кўзни қувонтирувчи яшилликка чулғанган. Фақат бир кишигина табиатнинг бу мафтункор мўъжизаларига бефарқ. Халқ банки атрофида бир ойдан бери ўралашиб юрган бу кимса, ниҳоят кузатувларининг аниқ таҳлилини ўрганиб чиқиб, тушлик тугаши билан режасини амалга оширишга киришди. Бу пайтда банкда икки ходимдан бошқа ҳеч ким бўлмаслигини у аниқ биларди. Шошиб кирган кимсанинг бирдан милтиқ ўқталиб, пул талаб қилиши банк ходимларини қўрқитиб юборди. Жон ширин, дағдағ титраганларича сейфни очишди. Босқинчи катта миқдордаги пулни халтага жойладида жуфтакни ростлади. Бу воқеа Кегейли туман марказида содир бўлган эди. Жиноятчининг юз тузилишини биргина банкнинг ёш ходимаси Қансулув эслаб қолганди.**

Бошлиғидан топшириқ олган катта лейтенант Сабир Уматов қизни топиб, жиноятчини аниқлашда ёрдами зарур эканлигини, уни таниб олиш имкониятларини яратиш мақсадида, маълум муддат ошиқ ролини ўйнамоғи кераклигини ётиғи билан тушунтирди.

– Мен розиман, лекин оилангиз бунга қандай қараркин? – деди қиз қимтиниб. – Йигит бирин-кетин акаси ва опасидан ажралганини, ана шу мусибатлар туфайли уйланиш, умуман тўй ҳақида бош қотирмаганини айтди. Шу тариқа уларнинг илк учрашувлари бозор расталарини айланишдан бошланди. Таниганлар бош қимирлатиб кулиб қўйишар, баъзилари ҳатто очиқ табриклашарди. Бошқа бировлар эса тўйга айтиш эсдан чиқмасин деб таъкидлаб қолишарди. Аввалига қиз бироз аччиқланди, кейинчалик эса кўникиб кетди. Чунки йигит унга бу нарсаларга эътибор бермаслик, асосий диққатни жиноятчини излашга қаратишга даъват этарди.

Эртасига бу жуфтлик истироҳат боғида пайдо бўлишди. Йигит қизнинг бундай учрашувлардан зерикиб кетмаслиги учун турли хил ривоятларни ҳикоя қилар, ҳатто шеърлар ҳам айтиб берарди. Шаҳар ва шаҳар ташқарисига қатнайдиган автобусларда бўлишди. Бекатларда ўтириб йўловчиларни кузатишди. Маиший хизмат кўрсатиш шохобчаларининг хизматларидан фойдаланишди. Бора-бора бу ҳолатлар оддий иш кунига айланди. Фақат унда дам олиш куни белгиланмаган эди.

Ниҳоят бу ажиб учрашувларнинг ўн биринчи куни, темир йўл бекатида айланиб юришганида, қиз ногаҳон тўхтаб қолди ва йигитнинг қулоғига ниманидир оҳиста шивирлади. Йигит, қиз ишора қилган томонга қараб, сигарета тутатиб турган барзангини кўрдию, жисмоний имкониятларини чамалади. Барзанги Сабирга қараганда анча бўйдор ва бақувват эди. У бўлимга хабар бердида, ёрдамчи куч етиб келгунча уни қочирмаслик мақсадида, поездга чиқишга шошаётган кимсанинг олдидан чиқиб, ўзини таништириб, ҳужжатларини сўради. Хавфни сезган жиноятчи қочишга уринди. Йигит уни амаллаб ерга йиқитди. Барзанги ҳам бўш келмасди. Қисқа олишувдан сўнг Сабир унинг қўлларига кишан солишга муваффақ бўлди.



Сердар ички ишлар бўлимига етиб боргунча қилмишини ипидан игнасигача гапириб берди. Сабир эса эртасига Қансулувни яна учрашувга таклиф этди. Бу сафар йигит қўлида бир даста гул тутиб турарди.

– Миннатдорчилик билдирмоқчимисиз? – табассум қилди қиз.

– Муҳаббатимни изҳор қилмоқчиман, – кулди йигит ҳам. Энди улар хиёбонда хотиржам, бир олам орзулар қучоғида тинч, осойишта сайр қилишарди.

– Мана шунга ҳам ўн саккиз йил бўлибди, – дейди Нукус шаҳар ИИБ ҲООБ бошлиғи, подполковник Сабир Уматов. – Ўшанда менга рағбатлантириш тариқасида навбатдан ташқари капитан унвони берилган эди. Шу унвон ҳам муҳаббатимиз рамзи сифатида биз учун жуда қадрли бўлиб қолган. Турмуш қурганимиздан кейин ҳам Қансулув хизмат ва ўқишимга алоҳида эътибор билан қаради. Бевосита унинг ташаббуси ва беғараз кўмаги билан республика ИИВ Академиясини сиртдан ўқиб тугатдим. Бу эса хизмат пиллапояларидан илдамлашда мустаҳкам асос бўлди. Қансулув ҳозир ҳам банкда ишлайди. Икки ўғлимиз бор. Ходим хизматининг самараси оила хотиржамлигига ҳам боғлиқ.

– Жиноятчи ушланган куннинг эртаси яна одатдагидек барвақт туриб, учрашувга ошиқдим. Ҳаммаси тугаганини эслаб, кўнглим бузилди. Шу пайт Сабир ака қўнғироқ қилиб қолди. Юрагим бирдан ҳапқириб кетди, айтилган манзилга қандай етиб борганимни билмай қолдим. Улар ниятини айтаётганларида қулоғим ҳеч нарсани эшитмас, бахтдан энтикиб кетган эдим. Тақдир тақозосига кўра у киши билан ўтказган “хизмат” жараёнида милициянинг нақадар машаққатли касб эканини англадим. Милиция ходимининг умр йўлдоши бўлиш ҳам осонмаслигини тушуниб етдим. Чунки, бошқа соҳа ходимларининг аёлларига ўхшаб, тўй-маърака ва базмларга вақтида боролмайсиз. Хотиржам ухлолмайсиз. Эрнинг хизмат шароитига мослашиш, ярим ҳарбий бўлиш, милиция ходимларининг умр йўлдошларига хос бўлган хислатдир. Бунга масъулият ва садоқат билан ёндашган аёлнинг оиласи фаровон, турмуш ўртоғининг хизмати самарали бўлади. Тақдир бизни рўбарў қилган ўша ўн бир кунни, умримизнинг олтин лаҳзалари деб биламан, – дейди Қансулув.

**Дурдибой ХУДОЙШУКУРОВ.**
*Қорақалпоғистон Республикаси.*

# POSTDA-TV

ҲАФТАЛИК ТЕЛЕДАСТУРЛАР

9–15-fevral


«O‘ZBEKISTON» ПАЙШАНБА, 9.30

**«Покахонтас». М/с.**



«TOSHKENT» ПАЙШАНБА, 22.55

**«Москва кўз ёшларга ишонмайди». 1-серия.**




# МУНАЖЖИМЛАР БАШОРАТИ

*Келгуси ҳафта учун*

### ҚЎЙ



Ҳафта давомида дўстлик ришталарини мустаҳкамлашга ҳаракат қилинг. Кўнгилли суҳбатлар қуришингиз кутилмоқда. Жамоада мавқеингизни ошириш имкониятидан фойдаланинг. Хушмуомала, меҳрибон бўлиш атрофдагиларнинг эътиборини қозонишда омил бўлади.

### СИГИР



Бу ҳафтада ички туйғуга таяниб, иш тутиш фойдадан ҳоли бўлмайди. Воқеа-ҳодисаларга холисона баҳо бериб, кенг мушоҳада қилсангиз уларга ойдинлик киритишга муваффақ бўласиз. Мақсад ва ниятлар борасида бир тўхтамга келиб олинг.

### ЭГИЗАКЛАР



Дунёқарашни кенгайтириш учун атрофингизда бўлаётган воқеаларга эътиборни кучайтириш лозим. Ҳийла ва ёлғонларга учиб қолишдан эҳтиёт бўлинг. Шу боис, ҳар бир қарорни ўйлаб қабул қилиш лозим. Вазиятга тўғри баҳо беришга ҳаракат қилинг.

### ҚИСҚИЧБАҚА



Муҳим ишларни амалга ошириш учун қулай вазият юзага келиши кутиляпти. Шахсий муносабатларда барқарорлик етакчилик қилади. Ҳафтанинг иккинчи ярмида молиявий масалалар билан шуғулланиш имкони бўлади. Ҳалол, тўғри ҳаракатларингиз бесамар кетмайди.

### АРСЛОН



Харид ва молиявий ишларда омадсизликка дуч келишингиз мумкин. Ҳозирча кредит билан боғлиқ масалаларни кейинга қолдирган маъқул. Хизмат сафарларига ҳам чиқмай туринг. Соғлиқни асранг, шифокорларга мурожаат қилишни маслаҳат берамиз.

### БОШОҚ



Ўз нуқтаи назарингиздан келиб чиқиб, ғояларингизга содиқ бўлиш маъқул. Бироқ атрофдагиларнинг сизга бўлган ҳурмат-эътиборига таъсир кўрсатиши мумкин. Қандай йўл тутиш кераклигини ўзлари мустақил ўйлаб, бир қарорга келишлари учун шароит яратишга ҳаракат қилинг.

### ТАРОЗИ



Фарзандлар билан самимий муносабатда бўлишга ҳаракат қилинг. Ўзаро ҳамжиҳатликка эришиш учун уларнинг истакларига қулоқ тутинг. Ижодий ишларни амалга ошириш учун қулай бўлади. Ўзингизда янги иқтидорларни очишга имконият туғилади.

### ЧАЁН



Оила аъзоларингизнинг сизга нисбатан ишончи ва ҳурмати ошиш учун барқарорликни мустаҳкамлашга ҳаракат қилинг. Фарзандларга ҳаётий тажрибангизга таяниб, тўғри маслаҳат беринг. Дўстлар даврасида кўнгилли вақт ўтказиш имкониятидан фойдаланинг.

### ЁЙ



Ҳафта ичида олган янги маълумотларни қайта текшириб чиқиш лозим. Атрофдагиларга илиқ муносабатда бўлинг. Ҳар кимнинг ўз муаммоси бўлади. Шунинг учун бошга тушган ташвишдан ўзингиз қутилишга ҳаракат қилинг. Ёлғончига алданиб қолишдан эҳтиёт бўлинг.

### ТОҒ ЭЧКИСИ



Маблағингизни бошқаришда қийинчилик сезилиши мумкин. Харидлар омадли бўлади. Кўп ҳолларда ички туйғуларга таянишингиз мумкин. Ҳордиқ чиқаришга кўпроқ эътибор қаратинг. Дармондорига бой маҳсулотларни кўпроқ истеъмол қилишни маслаҳат берамиз.

### ҚОВҒА



Ҳафта мобайнида эҳтиёткорлик, ҳушёрликни унутманг. Молиявий масалаларда таваккалчиликка йўл қўймасликни маслаҳат берамиз. Ҳозирда кредит олмай туринг. Ёлғонга алданиб қолмаслик учун ҳар бир келган маълумотни қайта текшириб кўринг.

### БАЛИҚ



Атрофдагилар ҳурматини йўқотмасликка ҳаракат қилинг. Асосий эътиборни маънавий ривожланишга қаратинг. Ҳафта охиридаги харид сизга катта қувонч бағишлайди. Дам олиб, кувватни тиклаб олишга вақт ажратинг, саломатлик энг зарури эканлигини унутманг.

МАЪРИФАТ ДАРСИ

# «АВЕСТО» – ШАРҚНИНГ БЕБАҲО ҲУҚУҚИЙ ЁДГОРЛИГИ

> ***«Авесто» айни замонда бу қадим ўлкада буюк давлат, буюк маънавият, буюк маданият бўлганлигидан гувоҳлик берувчи тарихий ҳужжатдирки, уни ҳеч ким инкор этолмайди».***
>
> **Ислом КАРИМОВ.**

«Авесто» («Овасто», «Абисто» парфиёнча – ўзбекча матн: кўпинча «Зенд – Авесто» яъни «тафсиф қилинган матн» деб аталади) зардуштийлик динининг муқаддас китоблари тўплами сифатида эътироф этилади. Тадқиқотчи олимлар тарихий далилларга таянган ҳолда ва китобда келтирилган жуғрофий маълумотларга асосланиб, «Авесто» Ўрта Осиёда, хусусан Хоразмда, милоддан аввалги VII-VI асрларда битилган энг қадимги ёзма манбалардан бири эканлигини қайд этишган. Зардуштийлик динига Хоразм ҳокимлигида чорвадорлик билан шуғулланган Спитама уругидан бўлган йигирма ёшли Зардушт асос солади. У кўпхудоликнинг зарарини тушуниб етиб, яккахудолик ғоясини тарғиб қилган.

«Авесто» сўзининг ўзи эса мадҳ этиш, қонун-қоидалар тўплами маъносини англатади. Унда аждодларимизнинг ўша даврдаги бебаҳо тарихи, иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ҳаёти, диний қарашлари, маиший турмуши, ахлоқи, урф-одатлари, табиат ва жамият ҳақидаги турли билимлари ва тасаввурлари, фалсафий қарашлари, диний эътиқоди, диний маросимларда ижро этиладиган қўшиқлари, чорвачилик ва деҳқончилик касби кори, савдо сотиғи қўшни халқлар билан иқтисодий, маданий муносабатлари ёритилган. Бир қарашда «Авесто» соф диний мазмундаги китобдек туюлади, бироқ у фалсафа, сиёсат, ҳуқуқ, тарих, ахлоқ, нафосат, халқ оғзаки адабиёти, география, биология, психология, астрономия, табобат ва бошқа кўплаб масалаларга доир қимматли маълумотларни ҳам ўз ичига олади.

«Авесто»нинг илк саҳифалари Зардушт томонидан милоддан аввалги 548–529 йиллар орасида Амударё соҳилларида яратилган. Кейинчалик Жанубий Эронда оташпарастлик динининг коҳинлари томонидан тўлдирилиб, такомиллаштирилган ва 12 минг қорамол, ҳўкиз терисига битилган. Александр Македонский Эронни босиб олганда «Авесто»нинг нусхаларидан бирини устози Аристотелга совға сифатида жўнатган, асосий нусхасини эса куйдириб юборган.

Бу ҳақда Абу Райҳон Берунийнинг қуйидаги фикрлари эътиборга лойиқ. ... Подшо Доро ибн Доро хазинасида «Абисто» («Авесто»)нинг ўн икки минг қорамол терисига тилла билан битилган нусхаси бор эди. Искандар оташхоналарни вайрон қилиб, уларда хизмат этувчиларни ўлдирган вақтда уни куйдириб юборди. Шунинг учун ўша вақтлардан бери «Авесто»нинг бешдан учи (яъни ўн саккиз наски) йўқолиб кетди. «Авесто» ўттиз икки наск эди. Маъжусийлар қўлида ўн икки наск чамаси қолди».

Маълумки, «Авесто» Катта ва Кичик китобдан иборат. Катта «Авесто»нинг иккинчи қисми «Вандидод» деб аталиб, Зардушт билан Аҳура Мазда ўртасидаги мулоқотни ифодалайди. Аҳура Мазда ҳуқуқий ва маросимга тегишли саволларга жавоб беради. «Вандидод» «Авесто»нинг бизгача етиб келган ягона ҳуқуқий китобидир.



Унда жиноятларнинг қуйидаги таснифи берилганлиги олимлар томонидан тузиб чиқилган: Динга қарши жиноятлар; Шахсга қарши жиноятлар; Ҳайвонларга қарши жиноятлар; Ахлоққа қарши жиноятлар; Табиат кучларига қарши жиноятлар.

Ушбу жиноятлар ўша давр зардуштийлик ҳуқуқида жиноятнинг объектигина бўлиб қолмай, балки жиноят субъекти ҳам ҳисобланган.

Айтиш мумкинки, «Авесто»нинг бизга етиб келган ва етиб келмаган ҳуқуқий китоблари ҳуқуқий тафаккурнинг муҳим манбаини ифодалайди.

Унда белгиланган ҳуқуқий нормалар кишиларнинг мулкий муносабатлардаги ўрни, уй, ер, боғлар, чорва моллари эгалигини ифодалайди. Шу билан бирга шартномалар тузиш, унга амал қилиш, шартнома бузилган тақдирда томонларнинг айби туфайли етказилган зарарни қоплаш каби нормалар ҳам белгиланган. Митра – шартнома тангрисидир. У шартноманинг бажарилишини кузатиб туради. Шартнома ҳар икки томон учун баравар эканлиги таъкидланади.

«Эй авлиё, хоҳ қонунга бўйсунувчи ҳақиқатгўй билан, хоҳ иблис билан тузилган битимни бузма. Чунки, садоқат ҳар иккиси учун – иблисга ҳам, олижанобга ҳам баб-баравар даражада мавжуддир».

«Авесто»да никоҳ-оила муносабатлари масалаларига ҳам катта эътибор берилган. Зардуштийлик динида эр-хотиннинг қўйди-чиқдиси, эрнинг хотинини талоқ қилиши, зинокорлик қаттиқ лаънатланган. «Вандидод»га кўра оила қуриш учун никоҳ битимини тузиш талаб этилган. Йигит ва қизлар учун никоҳ ёши белгиланиб, бу ёшга етганлар дин қонун ва қоидаларидан хабардор қилинган. Оила қуришнинг тартиблари ўргатилган. Никоҳланишдан аввал йигит ва қизлар синовдан ўтказилган.

Китобда жиноят ва жазо масалалари ҳам тартибга солинган. Инсон соғлиғи ва ҳаётига қарши бўлган жиноятлар қайд этилиб, ҳар бирига мос жазо белгиланган. Ҳайвонларга, айниқса итга қарши жиноятларни тартибга солиш ҳам катта ўрин тутган. Ўғрилик, қароқчилик, фирибгарлик мулкий жиноятлар сирасига киритилган ва тегишли жазо белгиланган. Бузуқчилик, хиёнат, бесоқолбозлик оғир жиноят ҳисобланган. Ер, сув, олов, ўсимлик дунёси ҳаёт манбаи ҳисобланиб, уларга тажовуз қилган оғир жазога мубтало этилиши белгиланган. Ерга алоҳида ғамхўрлик қилиш кўрсатилган.

«Авесто»да суд ва унда ишларни кўриш масалалари ҳам четда қолган эмас. Судланувчининг ишини кўриш мунозара шаклида бўлган. Айбдорнинг иши атрофлича кўриб чиқилиб, маслаҳатчилар томонидан билдирилган фикрларга асосланган ва кейин қоидалар бўйича ҳукм чиқарилган.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, «Авесто» – аждодларимизнинг диний, ахлоқий, ижтимоий шу билан бирга ҳуқуқий дунёқарашининг бебаҳо ёдгорлиги сифатида ўрин тутади. Бу тарихий-ҳуқуқий китоби қадимги замонларда халқимизнинг сиёсий ва ҳуқуқий ғоялари, одамларнинг ҳуқуқий онги даражаси, мулкий, оила-никоҳ муносабатлари, жиноят ва жазо амалиёти тўғрисида кенг ахборот олишимизга имкон беради.

**Баҳром УМАРОВ,**
**Ўзбекистон халқ таълими аълочиси.**

СИЁСИЙ-ИЖТИМОИЙ САБОҚ

> **Ҳозирги глобаллашув жараёнида турли давлатлар иқтисодий жиҳатдан бир-бирлари билан интеграцияга киришиб бормоқда, атроф-муҳитнинг ифлосланиши ва бошқа экологик муаммоларни биргаликда ҳал этиш чораларини изламоқдалар, қашшоқлик ва очарчиликка қарши курашда, турли юқумли ва инсониятга офат келтирувчи касалликлар тарқалишининг олдини олишда яқиндан ҳамкорлик қилмоқдалар. Илм-фан ва илмий-техника тараққиётидаги ҳамкорлик ҳам яхши самаралар бермоқда. Глобаллашувнинг аҳамияти ҳақида гап борганида, шак-шубҳасиз, биринчи навбатда бугунги нотинч дунёда турли уруш-жанжаллар, миллий-этник низолар, геосиёсий манфаатлар ҳамда мафкуравий қарама-қаршиликларнинг олдини олишда катта ва кучли давлатларнинг ҳар бир масалага холисона ёндашувлари қай даражада самара бериши мумкинлиги тушунилади.**

# ГЛОБАЛЛАШУВ ВА МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР

Ҳар қандай глобаллашувнинг негизида холислик ётиши зарур. Акс ҳолда катта ва кучли давлатлар ўз сўзини ўтказувчи, ўз тартибини жорий этувчи, бошқаларни ўз йўриғига йўрғалатувчи мақомига эга бўлиб, кичикни каттага, кучсизни кучлига, бир миллатни бошқа миллатга, бир турмуш тарзини бошқа турмуш тарзига, бир миллий қадриятни бошқа турмуш қадриятига қарам қилиб қўяди. Бироқ ҳозир турли ниқоблар остида ана шу мақсад йўлида тинимсиз саъй-ҳаракатлар олиб бориляпти. Ўзингиз ўйлаб кўринг, бир миллат қандай қилиб минглаб йиллар давомида шаклланган ўз урф-одатлари, анъаналари, юриш-туришлари, ахлоқ-одобларидан воз кечиб, бошқа миллатнинг турмуш тарзига мослашади? Буига ҳатто ҳозирги глобаллашувнинг таркибий қисми сифатида қаралмоқда ва «оммавий маданият» деган ниқоб остида бошқаларга тиқиштирилмоқда. Шу жумладан, бир зарарли ғоя бизга ҳам таҳдид қилмоқда.

Хўш, бу «маънавият»нинг ёки сунъий равишда ўйлаб топилган қадриятнинг ёхуд турмуш тарзининг мазмун-моҳияти ва мақсади нима?! Унинг ғояси ҳар қандай хатти-ҳаракатда меъёрсиз эркинлик ва кўнгилхушликка асосланган. Яъни, бу ғояга муккасидан кетган инсон «бу дунёда маза қилиб бир яшаб қолай» қабилида нафсни қондириш, беҳаёлик кўчасига кириш, ахлоқий бузуқликдан лаззатланиш, ўз билганича яшаш, оилани ва қариндош-уруғни унутиш, ҳайвонот оламига хос бачкана қилиқлар қилиш, яланғоч, ярим яланғоч ҳолда юриш, катта ёшли инсонларга, жамиятга ҳурматсизликни эркинлик деб билиш йўлини танлайди. Унинг мақсади ҳаммани ўз таъсирига тортиб, инсонларни ҳайвоний ҳирслар қулига айлантиришдан иборат. Бу ҳар қандай миллат ва жамиятни ҳалокат сари етаклайди. Айниқса, бу йўлни танлаган зёл фожиага йўлиқади. У фарзанд кўриш ва оила қуриш бахтидан маҳрум бўлади. Умуман, бу зарарли ғоя ўтган асрлар мобайнида бизнинг улуғ алломаларимиз, азиз-авлиёларимиз, донишмандларимиз қолдирган бой маънавий меросларга, урф-одатлари, анъаналари, оламийлик фазилатлари ва турмуш тарзига бутунлай зил.

«Оммавий маданият» ғояси дастлаб ўтган асрнинг бошларида пайдо бўлган бўлса-да, асосан элликинчи-олтмишинчи йилларда Ғарб дунёсида кучайди. Бу ғоя кенг тарғиб қилинар экан, уни демократиянинг асоси сифатида бошқаларга тиқиштириш бошланди. Энг даҳшатлиси, бу ғоя турли халқларнинг миллий қадриятларига, урф-одат ва анъаналарига хуруж қила бошлади. Унинг салбий оқибатлари ёшлар тарбиясини издан чиқарди. Ғарб мамлакатларидаги бошбошдоқлик ва тўс-тўполонларда ёшлар ташаббускор бўлиб қолишди. Меъёрсиз эркинлик нафақат ахлоқ-одобда, балки бебошликда ҳам етакчи кучга айланди. Бу иллат бузғунчи кимсалар ва турли марказлар томонидан тарғиб этилиб, бир миллатнинг бошқа миллат, бир давлатнинг бошқа давлат, маънавиятсизликнинг миллий қадриятлар устида ҳукмронлигини ўрнатиш воситаси бўлиб қолди. Аслида «оммавий маданият» ҳеч қандай тарихий, маънавий, диний, миллат-этник, илмий-ижтимоий асосга эга бўлмаган, балки бир гуруҳ ғараз ниятли кишилар томонидан ўйлаб топилган ўта зарарли ғоядир. Юртбошимиз ўзининг «Юксак маънавият – енгилмас куч» асарида «оммавий маданият» тушунчасини ва унинг мазмунини «маънавий ва ахлоқий тубанлик иллати» деб изоҳлаган.

Бу иллатнинг хуружлари бизни ҳам четлаб ўтмаяпти. Замонавийлик, эркинлик, демократия, мода, ҳаётдан завқланиш, тараққиёт тимсоли деган ниқоблар остида хуружларга баъзи ёшларимиз дучор бўлишаётгани бор ҳақиқат. Баъзи ҳолатларда ҳаётда буни кўриб ва кузатиб турибмиз. Биз болалаб кетаётган тунги барларда ёшларнинг шайтоний васвасага тушиш ҳолатларинигина назарда тутаётганимиз йўқ. Балки кундалик оддий ҳаётда кўриб-кузатиб турганимизга шаъма қиляпмиз. Масалан, Тошкентдаги сон-саноқсиз хиёбонлар, оромгоҳлар, бошқа хушманзара жойлар баҳорда, ёзда, кузда шундай мафтункорликка бурканадики, қўйилган кўплаб скамейка (ўриндиқ)лардан бирида ўтириб бироз ором олгингиз, атрофдаги мафтункорликдан баҳраманд бўлгингиз келади. Гоҳида бунинг иложини тополмай қоламиз. Чунки ўриндиқларнинг деярли ҳаммасини бир-бирларига қапишиб беҳаё ва бачкана қилиқлари билан атрофдагиларда нафрат уйғотадиган ёш йигит-қизлар эгаллаб олишади. Қандай қилиб уларнинг олдига бориб ўтирасиз?.. Бундай нусхалар бе-

***(Давоми 12-бетда).***

ҚИЛМИШ – ҚИДИРМИШ

# ИСНОД

**Қариндошининг хонадонида ўтказилган маъракадан чиқиб, уйига кетаётган Жамшер йўл-йўлакай у ёқ, бу ёққа назар солганча хаёл суриб борарди. У ёнида ҳамроҳ бўлиб кетаётган укаси Амонга қараб:**

– Анави Султоннинг дарвозаси олдида турган ёғочларни кўраяпсанми? Улардан тўрт-бештасини олиб кетсак ҳеч ким сезмайди. Ҳозир кўпчилик иморат қилаяпти, харидор ҳам излаб юрмаймиз. Ҳарна қўлимизга пул тушарди, – деди.

Амонга Жамшернинг таклифи маъқул тушди. Ака-укалар уч дона ёғочни бирма-бир кўтариб, амаллаб ўз уйлари олдига олиб боришди. Сўнг қўшниси бўлган Нутфулло Ярашевни чақириб чиқишди.

– Нутфулло, ёғоч оласанми? Бегона қилмайлик, деб сенга айтаяпмиз, – дейишди бараварига.

– Майли, оламану аввал бир кўрай-чи, – дея пешонасини тириштирди Нутфулло.

Харидор ёғочларнинг у ёқ, бу ёғини ағдариб кўраркан: «Қаердан олдинг буларни», – деб Жамшерга қаради.

– Келачи қишлоғилик бир киши билан ҳисоб-китобим бор эди. Пули йўқ экан, эвазига шуларни берди. Ўзим ишлатар эдимку, аммо Тошкентга кетмоқчиман. Шунинг учун пул керак, – деб жавоб берди юзини четга бурганча Жамшер.

Улар савдолашиб, ўзаро келишдилар. Харид қилинган «мол»ни йигитлар Нутфуллонинг уйига ташиб беришди. Ваъда қилингани дек эрталаб Нутфулло Амонга келишилган пулни тутқазди. Текин даромаддан чўнтаклари қаппайган икковлон ўзида йўқ хурсанд эдилар. Аммо...

– 2008 йил январь ойида Вобкент туманидан сотиб олган 20 дона 6 метрлик ёғочларни дарвоза ёнига териб қўйган эдим, – дейди судда жабрланувчи Султон Музаффаров. – Шунча вақт безарар турганлиги учун хотиржам юрардим. Бир куни қарасам, ёғочларим камайгандай туюлди. Санаб кўрсам, учтаси йўқ экан. Аввалига ўзим у ёқ, бу ёқдан излаб кўрдим. Сўнг бу ҳақда туман ИИБга мурожаат қилдим. Ички ишлар ходимлари ёғочлар остига тўкилган похол изи бўйича Нутфуллонинг уйига боришди. Унинг дарвозахонасида 5-6 дона ёғоч турган экан. Улар орасидан ўзимга тегишли бўлган ёғочларни дарров танидим...

Ҳукм ўқилди. Суд айбланувчи Жамшер Баракаев ва Амон Баракаевга нисбатан ахлоқ тузатиш билан боғлиқ жазо тайинлади.

Жиноятчилар қилмишларига яраша жазо олишди. Ака-укалар ҳамқишлоқлари Султон Музаффаровнинг мол-мулкини ўғирлаб, иснодга қолишди.

**Набижон СОЛИЕВ,**
**Лолахон МАНСУРОВА.**
*Бухоро вилояти.*

# ЎЗГАНИНГ «ДЎППИ»СИНИ БИРОВГА КИЙДИРИБ

– 2002 йилда Россия Федерациясига ишлагани бордим, – дейди Марҳамат туманида истиқомат қилувчи Муслимбек Тошпўлатов. – У ерда ишлаб топган пулимни банк орқали «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг Андижон филиалига юборар эдим. Дадам Абдуҳаким Тошпўлатов юборган пулларимни «Контакт» пул ўтказмалари орқали банкдан қабул қилиб олишлари керак эди. Афсуски, дадам банкдаги 400 АҚШ доллари миқдоридаги пулни ололмабди. 2004 йилнинг баҳорида уйга қайтгач, шу масалада банкка мурожаат этдим. Ходимлар эса пулни банкнинг собиқ ходими Шерзод Маҳмудов ўзлаштириб кетганлигини айтишди. Билсам, дадам каби сарсон бўлганлар кўпчилик экан. Мен суриштириб билдимки, юборган пулим 2003 йилнинг 25 сентябрь кунида тегишли ҳужжат асосида тўланган экан. Лекин кимга?

Хўш, Шерзод Маҳмудов ўзи ким? Аниқланишича, у 2000 йилдан 2004 йилга қадар ушбу муассасада хизмат қилган. У банкда ташкил этилган «Контакт» тизимида назоратчи-ғазначи сифатида фаолият кўрсатган. Хизмат вазифасини суиистеъмол қилган ҳолда жами 35750 АҚШ доллари миқдоридаги пулларни ўзлаштириб юборган. Унинг ўзи вилоят ИИБга берган кўрсатмасида бу ҳолатни қуйидагича изоҳлайди:

– Бир мижозга 1000 АҚШ доллари миқдорида қарз бўлиб қолдим. Бу пулни қандай қайтаришни билмасдан,



«Контакт» халқаро пул жўнатмаси орқали юборилган пулларни бировнинг номига расмийлаштириб, қарзим эвазига бердим. Бироқ пулнинг эгаси келиб, ҳақини талаб қилгач, яна шу ҳаракатни такрорладим. Яъни, бошқа бировга тегишли бўлган пулни ўша кишига олиб бердим. Шундай қилиб, хатойимни тўғрилайман деб қалбаки ҳужжатлар тузишга, ўзгалар маблағини ўзлаштиришга, ёлғон ҳисоботлар кўрсатишга мажбур бўлганман.

Афсуски, Шерзоднинг бу қилмишлари қимматга тушди. У муқаррар жазодан қутилиб қолмоқчи бўлиб аввал Тошкентга, сўнгра Россияга қочиб кетганди. Лекин бузоқнинг югургани сомонхонагача деганларидек, у ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари томонидан қўлга олинди. Унинг ноқонуний ҳаракатлари юзасидан тез кунда суд ўз ҳукмини чиқаради.

Бугун фуқаролар маблағларини ўзлари истаган банкка омонат тарзида қўйиши ёки яқинларига юбориши мумкин. Бироқ шундай ҳоллар ҳам учрайдики, банк муассасаларида фуқаролар ўз маблағларини олиш учун кўплаб вақтларини сарфлашяпти. Кези келганда айтиш жоизки, ана шундай ҳолатларда банк раҳбариятига мурожаат қилиб, бу каби кўринишларнинг олдини олишни талаб қилишлари шарт. Зеро, юқоридаги каби ҳолатлар қайта такрорланмаслиги лозим.

**Саминжон ҲУСАНЗОДА.**

Ё, АЛҲАЗАР!

# НЕВАРАСИНИ ПУЛЛАГАН БУВИ

**Юлдуз опа беш нафар қизи билан Хўжаобод туманида истиқомат қилади. Қизлари кичкиналигидаёқ турмуш ўртоғи уни ташлаб, бошқа аёлга уйланиб кетганди. Ўшанда у кўзида ёш билан қолганди. Шу пайтгача қизларини ёлғиз тарбиялаб, вояга етказди. Бугун яна унинг кўзларида шашқатор ёш...**

Муножот Юлдуз опанинг иккинчи фарзанди. У ҳам бўйи етгач, турмуш қуриб, фарзандли бўлди. Ҳаммаси ана шундан бошланди. Ҳали чақалоқнинг чилласи чиқмасданоқ, баъзи бир ғаразгўй, қабиҳ ниятли кимсалар ўзларининг жиноий режаларини тузишга киришишди. Муножотнинг руҳиятида бироз ўзгариш борлиги учунми, онаси уни кўп ҳам хушламасди. Ҳатто остонасига келганида, ҳайдаб чиқарган пайтлари ҳам бўлган. Муножот қизалоғини бағрига босиб, туғруқхонадан чиққанида бир дунё орзу ниятлари бор эди. Она ким бўлишидан қатъи назар, барибир болам дер экан. Муножот жажжигина қизалоғига қараб тўймас, ҳадеб ўпиб-суярди. Аммо Юлдуз она бошқа бувилар сингари неварасини бағрига босиб, эркаламади. Балки кўзмунчоқдай неварасини бирор кишига пуллаб юборишни кўзлади. Шу мақсадда ҳомиладор қизини уйига киритиб, бир мунча вақт унга қарагандай бўлди. Бола туғилиши билан сотиши ҳақида Қирғизистондаги танишларига хабар берди.

Бу вақтда Андижон шаҳрида яшовчи Шарифа, Мамлакат, Холисхон ва Садбар исмли аёллар ўзаро тил бириктириб, бола сотиш билан шуғулланиш пайида эдилар. Улар Манзура исмли аёлнинг фарзанд асраб олиш ниятида эканлигидан хабардор бўлишади.

Шарифа ва Садбар ўзларининг ғараз мақсадларини амалга ошириш учун Хўжаободга бориб Юлдуз опага учрашиб, унинг қўлига 200 минг сўм ва 100 АҚШ доллари тутқазишиб, чақалоқни сотиб олишади. Муножот чақалоғини ҳечам қўлидан қўявермагач, Юлдуз опа харидорларга: «Майли, ҳозирча онасини ҳам бирга олиб кетаверинглар. Бирор жойда адаштириб кетасизлар, агар жанжал қилса, жиннихонага топширсанглар ҳам майли», деб айтади.

Улар чақалоғини ҳеч кимга бермаётган Муножотни етаклашиб тамадди қилиб олиш учун ошхонага киришади. Бироздан сўнг улар: «Қизчангиз иситмалаётганга ўхшаяпти, биз шифокорга кўрсатиб келамиз. Шу ерда кутиб туринг», деб алдашади ва унинг қўлига 50 минг сўм бериб, қочиб кетишади. Муштипар она анча пайт уларни кутиб ўтиради. Аммо улар қайтиб келишмайди.

Чақалоқни қўлга киритган Холисхон бир миллиондан кўпроқ сўм ва 400 АҚШ долларига гўдакни Манзурага пуллайди. Кута-кута тоқати тоқ бўлган Муножот алданиб қолганини, жигарпорасини ўғирлаб кетишганини англаб етади ва Хўжаободга қайтиб бориб, туман ИИБга мурожаат қилади.

Ички ишлар идоралари ходимлари томонидан олиб борилган суриштирув-қидирув ишлари натижасида чақалоқ уч кун ичида топилиб, онасига қайтарилди. Муножот йўргакни очди-да, чақалоқ оёғидаги холини кўриб: «Менинг қизалоғим» деб, бағрига босганида, барчанинг кўзига ёш келди.

– Қизимнинг руҳиятида ўзгариш бор. Шунинг учун боласини парваришлай олмайди деб ўйлаб, бошқаларга бериб юборишга мажбур бўлганман, – дейди чақалоқнинг бувиси Юлдуз опа тергов чоғида.

Албатта, бу бир баҳона холос. У бугун ўз неварасини пуллаган баттол буви сифатида айбдорлик курсисида бошини хам қилиб, йиғлаб ўтирибди. Аввал у мазлума сифатида кўз ёши тўккан бўлса, бугун золима сифатида кўзларидан ёш оқмоқда...

**Нилуфар МЎМИНОВА,**
**майор.**
*Андижон вилояти.*

ЖИНОЯТЧИ ЖАЗОСИЗ ҚОЛМАЙДИ

# ТАМАГИР

**Ҳалоллик инсон кўркидир. Афсуски нафсига эрк берган баъзи кимсалар бундай олижаноб фазилатлардан йироқда юришни афзал кўришади. Хонқа тумани болалар поликлиникаси мудири Раҳматилла Машарипов ана шундай нафси ўпқон кимсалардан бири.**

Хонқалик Акбар Қаландаров ўғли Достонбекни ёшлигидан қайноқ сувга куйиб, қўл панжаларининг очилмай қолганини даволатиш учун кўп югурди. Аммо фойдаси бўлмади. Шу боис, Акбар фарзандига нафақа тайинлашни сўраб, туман болалар поликлиникаси мудири Раҳматилла Машариповга мурожаат қилди. Тамагирликка муккасидан кетган бу кимса Акбарнинг сўзларини диққат билан тинглагач, хомушгина бош чайқади.

– Нима, нафақага чиқаришнинг иложи йўқми? – хавотирланиб сўради Акбар мудирнинг безовталанаётганидан ташвишга тушиб.

– Бор, аммо ҳужжатларни тайёрлашга пул керак, – деди мудир ҳеч нарсадан тап тортмай.

– Қанча? – сўради Акбар.

– Бир юз эллик минг сўм.

Бу гапни эшитган Акбар бир зум сукут сақлади. Ҳаётда шундай тамагир кимсалар борлигидан нафратланиб кетди. Наҳотки касалмандлар ҳаққига хиёнат қилаётган бундай юлғич шифокорнинг танобини тортиб қўядиган бирор киши топилмаса? Акбарнинг боши қотди. Бунча пулни қаердан топиш мумкин? Балки қариндош-уруғлари бериб туришар. У шундай хаёллар билан яқинларининг уйига бир-бир кириб чиқди. Аммо улар ҳам қарз беришолмади.

Ўйлай-ўйлай Акбар ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларига мурожаат этди. Эртасига поликлиника мудири Акбардан 150 минг сўм пулни олди-ю, столининг тортмасига ташлади. Шу пайт ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари зудлик билан уни қўлга олишди.

Ўз хизмат вазифасини суиистеъмол қилиб, тамагирликни ўз касбига айлантириб олган Раҳматилла Машарипов жиноят ишлари бўйича Хонқа тумани суди томонидан тегишли муддатга озодликдан маҳрум этилди.

**Анвар ХУДОЙШУКУРОВ,**
**жиноят ишлари бўйича Хонқа туман суди раиси.**
**Худойберган ЖАББОРОВ,**
**«Постда» мухбири.**
*Хоразм вилояти.*

КУРАШ

# АБДУЛЛА – МУТЛАҚ ЧЕМПИОН



**Қадим-қадимдан давом этиб келаётган ўзбек кураши дунё спорт тури сифатида ўрин олганига яқинда ўн йил тўлади. Бу йиллар давомида Кураш халқаро ассоциацияси томонидан ер юзининг турли бурчакларида кўплаб тадбирлар ўтказилиши туфайли ўзбек курашининг жаҳондаги нуфузи ошиб бормоқда.**

Грециянинг Салоники шаҳрида Кураш халқаро ассоциацияси томонидан Ислом Каримов анъанавий халқаро турнири ўтказилди.

Бешинчи маротаба ташкил этилган ушбу мусобақада дунёнинг ўттизга яқин мамлакатидан келган юз нафардан зиёд полвон ғолиблик учун гиламга чиқди. Мазкур турнирда юртимиз шарафини дзюдо бўйича Пекин Олимпиадаси кумуш медали соҳиби, республика ИИВ Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактаби катта ўқитувчиси, майор Абдулла Тангриев ҳимоя қилди.

Мутлақ вазн тоифасида гиламга чиққан А. Тангриев барча беллашувларда рақибларини мағлубиятга учратди. Ҳал қилувчи баҳсда грециялик Дионисис Иллиадисни енгиб, мутлақ чемпион бўлди.

Шунингдек, беллашувларда грузиялик Чвича Циклаури (73 кг.), грециялик Моисес Иллиадис (90 кг.) ўз вазн тоифаларида шоҳсупанинг энг юқори поғонасидан жой олди.

ФУТБОЛ

# «БУНЁДКОР» ОСИЁДА ИККИНЧИ

**Халқаро футбол тарихи ва статистикаси федерацияси (IFFHS) дунёдаги энг кучли футбол клубларининг янги рейтинг жадвалини эълон қилди. Тошкентнинг “Бунёдкор” жамоаси яна тўрт поғона кўтарилиб, Осиёда иккинчи ўринда қайд этилди.**

IFFHS мутахассислари томонидан мазкур рўйхатни тузишда жамоаларнинг сўнгги ўн икки ой мобайнида миллий чемпионат ҳамда халқаро миқёсдаги расмий учрашувларда қайд этган натижалари инобатга олинган.

Олтмиш олтинчи поғонадан жой олган “Бунёдкор” Осиё чемпионлар лигасида ғолиб чиққан Япониянинг “Гамба Осака” жамоасидан кейинги ўринда.

Умумий рўйхатда эса Европа чемпионлар лигаси ғолиби ва клублар ўртасида жаҳон чемпиони – “Манчестер Юнайтед” (Англия) пешқадамлик қилмоқда. Германиянинг “Бавария” ва Испаниянинг “Барселона” жамоалари кучли учликдан жой олган.

**ЎзА.**

СПОРТЧИ ҲАМКАСБЛАРИМИЗ

# ИНТИЛГАНГА ТОЛЕ ЁР

**Ички ишлар идоралари ходимлари орасида шундай инсонлар борки улар хизмат вазифаларини намунали адо этишдан ташқари, жамиятнинг бошқа соҳаларида ҳам ўз куч ва имкониятларини намоён эта оладилар. Жиноятчиликка қарши кураш, унинг олдини олиш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш баробарида спортда ҳам катта ютуқларга эришиб келаётган ҳамкасбларимиздан бири Тошкент шаҳар ИИББ ЙҲХБ ЙПХ бригадаси ШТБИГ катта инспектори, капитан Жамшид Файзиевдир.**

Жамшид Файзиев Бухоро вилояти Қоракўл туманида туғилган. Оиланинг тўнғичи Жамшид болалигидан спортга ўзгача меҳр қўйди. Тумандаги 27-мактабда таҳсил олган Жамшид ўқишдан бўш вақтларини спортга бағишлади. Ўшанда у биринчи устози Меҳриддин Очиловдан кураш сир-асрорларини ўрганди. Ўз устида тинимсиз ишлашни канда қилмайдиган Жамшид ўша пайтлардаёқ ҳавас қилса арзигулик ютуқларга эришди. У 1993 йилда бўлиб ўтган ўсмир-ёшлар ўртасида дзюдо бўйича республика биринчилигида шоҳсупанинг энг юқори погонасидан жой олди. 1996 йилда эса учта спорт тури – самбо, кураш, дзюдо бўйича ўтказилган республика биринчилигида мутлақ ғолиб бўлиб, институтга имтиҳонсиз кириш ҳуқуқини берувчи йўлланмани қўлга киритди ва Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институтига ўқишга қабул қилинди. Дарвоқе, худди шу йили Бухорода машҳур полвон Ҳожи Туроб хотирасига бағишлаб кураш мусобақаси ўтказилди. Нафақат Ўзбекистон, балки Марказий Осиёдан кучли полвонлар иштирок этган ушбу турнирда Жамшид иккинчи ўрин соҳиби бўлди. Жуссаси кичик бўлса-да, чайир йигитча институт раҳбарияти ва ўқитувчиларнинг ҳам назарига тушди. Ўқиш баробарида Жамшид пойтахтдаги «Динамо» ЖТСЖда машғулотларни давом эттирди. Бу ерда у устози Владимир Пятаев қўли остида тажрибасини оширди.



– Армиядан қайтгач, иккиланмасдан ички ишлар хизматига ҳужжат топширдим. Соҳадаги хизматимни эса «Динамо» ЖТСЖда инспектор-методист лавозимидан бошладим. У ерда менга йўл-йўриқ кўрсатган устозларим Н. Ростов, Р. Ариповдан миннатдорман.

Кези келганда шуни айтиб ўтиш керакки, пойтахт ИИББ идора ва тизимлари ўртасида ўтказилган дзюдо мусобақаларининг қарийб барчасида Жамшиднинг қўли баланд келган.

Халқимизда интилганга толе ёр, деган нақл бор. Киши қайси соҳада бўлмасин, озгина матонат, сабр ва чидам билан ҳаракат қилса, албатта, кўзлаган мақсадига эришади.

**Шерзод ХУДОЙБЕРДИЕВ.**

# ТАБРИКЛАЙМИЗ!

Ички ишлар идоралари фахрийси, истеъфодаги подполковник **Алижон АЛАШЕВ**ни табаррук 75 ёшга тўлгани билан самимий муборакбод этамиз. Устозимиз, дўстимиз ва сафдошимизнинг яна кўп йиллар саломат, бардам бўлиб фарзандлари, шогирдлари, яқинлари даврасини тўлдириб юришини тилаймиз.

**Тошкент шаҳар ИИББ раҳбарияти, шахсий таркиби ва фахрийлар кенгаши.**

* * *

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ёнғин хавфсизлиги Бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари, полковник **Абдулҳамид АЛИМАТОВ**ни 55 ёшга тўлгани билан самимий муборакбод этамиз. Ҳамкасбимизга узоқ ва мазмунли умр, мустаҳкам саломатлик, оилавий хотиржамлик, хизматига катта ютуқлар тилаймиз. Хонадонидан файз, рўзғоридан барака, чеҳрасидан табассум аримасин.

**Бош бошқарма раҳбарияти ва шахсий таркиби.**

* * *

Наманган шаҳар ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бўлими АМБ отряд командири, капитан **Давлат ЭРНАЗАРОВ**ни таваллуд айёми билан самимий муборакбод этамиз. Унга узоқ умр, мустаҳкам соғлиқ, оилавий фаровонлик, машаққатли ва шарафли хизматида омад ёр бўлишини тилаймиз.

**Яқинлари номидан тоғаси – подполковник Нодир Нишонов.**

ДУНЁ СПОРТИ ЯНГИЛИКЛАРИ

## НАДАЛНИНГ ҒАЛАБАСИ

Теннис бўйича Мельбурнда ўтказилган «Катта дубулға» туркумига кирувчи Australian Open халқаро турнири ниҳоясига етди. Мусобақа финалида Рафаэль Надаль (Испания) ҳамда Роже Федерер (Швейцария) ўртасида кечган баҳс испаниялик ракетка устаси фойдасига ҳал бўлди. Илк маротаба ушбу турнирда ғолиб бўлган Надаль дунё теннис таснифида пешқадамликни сақлаб қолди.



Аёллар ўртасидаги финал баҳсида эса америкалик теннисчи Серена Уильямс россиялик Динара Сафинани ҳеч бир қийинчиликсиз мағлуб этди ва мусобақанинг тўрт карра ғолиби бўлди.

## ЧОПҚИРЛАР БАҲСИ

Япониянинг Китакюсю шаҳрида эркаклар ўртасида халқаро марафон мусобақаси бўлиб ўтди. Унда марокашлик енгил атлетикачи Адил Аннани икки соат ўн дақиқаю ўн беш сония натижа билан марра чизиғини биринчи бўлиб кесиб ўтди ва ғолиб бўлди. Шоҳсупанинг иккинчи ва учинчи поғонасини япониялик спортчилар Кобаяси ва Акибалар банд этишди.

## АРШАВИН «АРСЕНАЛ»ДА

«Зенит» жамоаси ҳужумчиси Андрей Аршавин Лондоннинг «Арсенал» клуби билан шартнома имзолади. Энди 27 ёшли футболчи жамоа таркибида 23 рақам остида тўп суради.

## УЧ КАРРА ЧЕМПИОН

Қўл тўпи бўйича Хорватияда ўтказилган жаҳон чемпионатида Франция терма жамоаси уч карра жаҳон чемпионлигини қўлга киритди. Мусобақанинг ҳал қилувчи финал беллашувида франциялик спортчилар мезбонларни 24:19 (11:12) ҳисобида мағлубиятга учратишди.

## ЖАНУБИЙ КОРЕЯ ҲАМ ТАЛАБГОР

Жанубий Корея футбол бўйича 2018 ёки 2022 йили бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионатига мезбонлик қилиш учун талабгорлик ҳужжатларини ФИФАга тақдим этди. Мамлакат футбол ассоциацияси президенти Чо Чун Юн агар Жанубий Корея жаҳон биринчилигини ўзида ўтказса, 2002 йилги чемпионатдан-да юқори савияда ўтишини маълум қилди. Ҳозирда жаҳон чемпионатини ўз майдонларида ўтказиш истагидаги давлатлар қаторида Япония, Австралия, Қатар, Индонезия, АҚШ, Россия ва Мексика бор.

## РЕКОРД ҚАЙТАРИЛДИ

Мадриднинг «Реал» жамоаси сардори Рауль клубда тўп уриш бўйича Альфредо ди Стефано (1953 – 64 йиллар) рекордини қайтаришга муваффақ бўлди. Футбол бўйича Испания чемпионатининг «Реал» – «Нумансией» жамоалари ўртасидаги учрашувда Рауль 47-дақиқада рақиб дарвозасига тўп киритиб «Қироллик клуби» таркибида ўзининг 307-голини нишонлади.



СУРАТ БИЗДАН, ИЗОҲ СИЗДАН

# «МАРРА КИМНИКИ БЎЛСА, УНГА СОВҒА БЕРАМИЗ»



Газетамизнинг 24 январь сонида берилган ҳазил-сурат мухлисларимиз ижодини «қитиқлаган» шекилли, улардан бир талай изоҳлар олишга муваффақ бўлдик. Эътиборлиси, мамлакатимизнинг деярли барча вилоятларидан изоҳлар битилган мактублар келди. Марҳамат улар билан танишинг.

**Қашқадарё вилояти ИИБ ЁХБ 2-ҲЁХО 4–ҲЁХҚ катта ёнғин ўчирувчиси, сержант Шермат Ўринов:**

*Думалаб кучукчалар,*<br>*Тизилишиб ётарди.*<br>*Командири уларга,*<br>*Вазифасин айтарди,* дебди.

**Самарқанд вилояти Нарпай туманидан Дилшода Нисанова** ўз фикрини қуйидагича баён этибди:

*Сафда туринг жўралар,*<br>*Бугун постга чиқамиз,*<br>*Буйруқ келди бошлиқдан.*<br>*Жиноятчини тутамиз.*

**Хоразм вилояти Урганч шаҳар ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бўлими ходими, сержант Тўлқин Қаландаров** йўллаган изоҳи қуйидаги мазмунда:

*Командирга қулоқ сол,*<br>*Бир қаторда туриб ол,*<br>*Текисланиб ростланиб,*<br>*Миқ этмасдан ётиб ол.*

**Оҳангарон шаҳар ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бўлими ходими, кичик сержант Шамсиддин Оловуддинов** «Диққат кучукчалар, маррага ким биринчи бўлиб келса, бўтқа шуники», **Навоий вилояти Нурота тумани ИИБ ЖҚ ва УЖҚКБ катта тезкор вакили, майор Одилжон Каримов** «Питомникда ўргатишмадими, старт тескари томонда», **Тошкент шаҳар Собир Раҳимов тумани ИИБ ЭКБ катта эксперти, катта лейтенант Азимжон Фармонов** «Буйруғингизга мунтазирмиз, ўрток командир» ҳамда **Тошкент шаҳар ИИББ ҳузуридаги Қўриқлаш бошқармаси 4-АМБ 1-отряд милиционери, сафдор Абдужамол Қосимов** «Ҳой бақалоқлар, сутни камроқ ичиш керак, шунда менга етиб оласизлар» деб изоҳ йўллашган.

**Қашқадарё вилояти ИИБ ЁХБ 2-ҲЁХО 4-ҲЁХҚ ходими, сафдор Беҳзод Эгамназаров** изоҳи билан танишинг:

*Бешовлон ётган жойда,*<br>*Шеригини тинглади*<br>*Узала ётиб олиб,*<br>*Фикрлашиб ўйлади.*

**Навоий вилояти Учқудуқ тумани ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бўлинмаси ходими, сафдор Шермамат Ширинов:**

*Ким тез ётиб йўрғалар,*<br>*Ҳали замон кўрамиз,*<br>*Марра кимники бўлса,*<br>*Унга совға берамиз*<br>дея ўзига хос тарзда изоҳлабди.

Шунингдек, **Навоий шаҳрилик М. Ҳожиев, республика ИИВ ТОҲТБЮ ўқитувчиси, майор И. Бозоров ҳамда зангиоталик У. Иброҳимов**га билдирган фикрлари учун раҳмат.




**Изоҳларингизни мактуб ёки 231-48-41, 231-30-40 рақамли телефонлар орқали билдиришингиз мумкин.**

ШЕЪРХОННИНГ ДИЛ СЎЗЛАРИ

# БАРҲАЁТ САТРЛАР



Заҳириддин Муҳаммад Бобур лирикасининг бадиий хусусиятлари, ўзбек мумтоз шеъриятида тутган ўрни ҳақида мутахассислар фикр юритгани маъқул, албатта. Оддий бир шеърхон сифатида менга ҳассос шоирнинг шеърлари, айниқса, рубоийлари ижодкорнинг бошидан ўтказган турли воқеалар, фожиалар таъсирида кўнглидан кечган ҳаётий кечинмаларнинг ҳақиқий ифодаси сифатида кучли таъсир қилади. У қўлига қалам олганда ҳамиша рост сўзлашга ҳаракат қилади.

***Толиъ йўқи жонимға балолиғ бўлди,***
***Ҳар ишники айладим, хатолиғ бўлди.***
***Ўз ерни қўйиб Ҳинд сори юзландим,***
***Ёраб, нетайин, не юз қаролиғ бўлди.***

Бу ҳаётда ҳатто оддий одамларнинг ҳам ҳаммаси ўз хато-камчиликларини тан олавермайди. Бобур эса шоҳ бўлатуриб, ўзининг айрим қилмишларидан изтироб чекади, уялади ва бу ҳолатини очиқ-ошкора баён этишга ўзида журъат топади.

Гарчи Бобур Ҳиндистонда буюк салтанат тузган бўлса ҳам, Ватан ишқи, соғинчи унинг қалбини бир лаҳза бўлсин тарк этмайди.

***Кўпдин бериким ёру диёрим йўқтур,***
***Бир лаҳзаву бир нафас қарорим йўқтур.***
***Келдим бу сори ўз ихтиёрим бирла,***
***Лекин боруримда ихтиёрим йўқтур.***

Баъзан «Нега Бобур Ҳиндистоннинг аксар қисмини бирлаштириб, кучли, марказлашган давлат тузган кезлари Мовароуннаҳр сари юриш қилмади? ўз-ўзимга савол бераман. Шунда «Ҳойнаҳой, буюк бобокалонимиз бу пайтга келиб ҳаётга бошқача назар билан қарайдиган бўлган, ўз юртига қилич ялангочлаб киришни истамаган, фарзандларига ҳам шуни васият қилган бўлса керак», деган тўхтамга келаман. Гарчи улуғ салтанат соҳиби бўлса-да, Ватан соғинчию мусофирчилик изтироблари унинг умрини эговлаган. Қуйидаги сатрлар бу фикрнинг исботи эмасми?

***Ҳижрон қафасида жон қуши дам қиладур.***
***Ғурбат бу азиз умрни кам қиладир.***
***Не навъ битай фироқу ғурбат шарҳин,***
***Ким кўз ёши номанинг юзин нам қиладур.***

Ғурбат, ғариблик мавзуси унинг кўпгина рубоийларида қаламга олинади. Уларни ўқир экансиз, шоир қалбининг ўртанишлари сизни ҳам изтиробга солади. «Неча бу фалак солғуси ғурбатқа мени», «Ёд этмас эмиш кишини ғурбатта киши» сатрлари билан бошланувчи рубоийларни бир эсланг. Ҳа, чинакам инсон ўзга юртда шоҳ бўлса ҳам, барибир, ўз юртини соғинади, ундан кўнгил узолмайди. Бу дунёда Ватан тушунчаси, туйғуси бор экан, буюк Ватандошимиз Бобурнинг юрт соғинчини, меҳрини куйлаган бундай шеърлари ҳам яшайверади.

**Бобомурод ТОШЕВ.**

**Заҳириддин Муҳаммад БОБУР.**

## ҒАЗАЛЛАР

**Ғунчадек кўнглум манинг гулзор майли қилмағай,**
**Ғам била бутган кўнгул гулгашт ила очилмағай.**

**Ранга-ранга гулларингни боғбон арз этмаким,**
**Таҳ-батаҳ қонлиқ кўнгул гул орзусин қилмағай.**

**Йўқтур улким гул юзунгдин айру боқсам гул сори,**
**Ғунча янглиғ кўнглума юз хори ғам санчилмағай.**

**Оразу қаддингни таъриф этсалар юз йил ҳануз,**
**Эй, юзи гул сарвқад, юздин бири айтилмағай.**

**Сендин айрилдим, эса бўлди насибим хори ғам,**
**Сендин, эй гул, эмди Бобур бир замон айрилмағай.**

* * *

**Ё қошинг янглиғ эгилган жисми зоримниму дей?**
**Ё сочингдек тийра бўлған рўзгоримниму дей?**

**Ҳажри қотил бирла кўнглим ҳолатинму шарҳ этай,**
**Дарди муҳлик ичра жони беқароримниму дей?**

**Кундуз ўлса тунгача айтайму бепоён ғамим,**
**Кеча бўлса тонгға дегру ҳоли зоримниму дей?**

**Телбаю мадҳушу бехуд демаким, қилди сени,**
**Лаъли майгун, сўзи мул, кўзи хуморимниму дей?**

**Бобур, ул ойнинг қуёшдек оразй ҳижронида,**
**Тонгға дегру ҳар кеча юлдуз саноримниму дей?**

* * *

**Жонимдин ўзга ёри вафодор топмадим,**
**Кўнглумдин ўзга маҳрами асрор топмадим.**

**Жонимдин ўзга жонни дилафкор кўрмадим,**
**Кўнглум киби кўнгулни гирифтор топмадим.**

**Усрук кўзига токи кўнгул бўлди мубтало,**
**Ҳаргиз бу телбани яна ҳушёр топмадим.**

**Ночор фурқати била хўй этминам, нетай,**
**Чун васлига ўзумни сазовор топмадим.**

**Боре борай эшигига бу навбат, эй кўнгул,**
**Нечаки бориб эшигига бор топмадим.**

**Бобур, ўзингни ўргатакўр ёрсизки, мен**
**Истаб жаҳонни мунча қилиб ёр топмадим.**

* * *

**Хазон яфроғи янглиғ гул юзинг ҳажрида сарғардим,**
**Кўруб раҳм айлагил, эй лоларух, бу чеҳрайи зардим.**

**Сен, эй гул, қўймадинг саркашлиғингни сарвдек ҳаргиз.**
**Оёғингга тушиб барги хазондек мунча ёлбордим.**

**Латофат гулшанида гул каби сен сабзу хуррам қол,**
**Мен арча даҳр боғидин хазон яфроғидек бордим.**

**Хазондек қон ёшим, сориғ юзимдин эл танаффурда,**
**Ба ҳар ранге, биҳамдиллоҳ, улусдин ўзни қутқордим.**

**Не толиъдур мангаким ахтари бахтим топилмайдур,**
**Фалак авроқини ҳар нечаким дафтардек ахтардим,**

**Улусининг таъну таърифи манга, Бобур, баробардур,**
**Бу оламда ўзумни чун ёмон-яхшидин ўткардим.**

НАЗМ БЎСТОНИ

## ТОПМАДИМ

*Навоий ғазалига мухаммас*

**Ёр учун чекдим нидо, лек, нуктадоне топмадим,**
**Бергали ишқдин садо, бир хушзабоне топмадим.**
**Ёр учун жонимни бердим, жовидоне топмадим,**
**Меҳр кўн кўргуздим, аммо меҳрибоне топмадим,**
**Жон басе қилим фидо, оромижоне топмадим,**

**Андалибдек гулни истаб, гулузоре кўрмадим,**
**Жон нисор эттим ва лекин жон нисоре кўрмадим,**
**Даҳру дун ичра ўзумдек хокисоре кўрмадим,**
**Ғам била жонимга еттим, ғамгусоре кўрмадим,**
**Ҳажр ила дилхаста бўлдум, дилситоне топмадим,**

**Меҳр истаб, дилда меҳри йўқига бўлдум нишон,**
**Шодумон айлаб, ғаму андуҳиға бўлдум нишон,**
**Бемеҳр бир шўх малакнинг шўхиға бўлдум нишон,**
**Ишқ аро юз минг маломат ўқиға бўлдум нишон,**
**Бир камонабрўда тузлукдин нишоне топмадим.**

**Энди менда сабр йўқдир, ўртанурман бағри қон,**
**Термулурман, оҳки, йўқдур ул нариваншдин нишон,**
**Бир тараҳҳум айламас найлайки ул номеҳрибон,**
**Кўнглум ичра сарв ўқдур, ғунча найкон, гул тикон,**
**Даҳр боғи ичра мундоғ гулситоне топмадим.**

**Бўлдиму ошуфтаҳол, ошуфтаҳолим кўрмадим,**
**Лек, вафо боғида ул шўх навниҳолим кўрмадим,**
**Қоши камону гул юзу, лаб ғунча олим кўрмадим,**
**Ҳусн мулки ичра сендек шоҳи золим кўрмадим,**
**Ишқ кўйида ўзумдек нотавоне топмадим.**

**Кўзларим бедор ўқур кундуз ила тун қиссасин,**
**Хаста кўнглум ёд этур минг оҳ ила ун қиссасин,**
**Воҳ, ким тинглар манингдек дил жигархун қиссасин,**
**Кўп ўқидум Вомиқу Фарҳоду Мажнун қиссасин,**
**Ўз ишимдин бул ажаброқ достоне топмадим.**

**Васлига етмоғ учун даркормикин ё илму ғайб,**
**Қатра-қатра ёш тўкишдин борму эмди зарра наф,**
**Ёр учун жоним берай деб, ёнганимму ёки айб?**
**Табъ ганжидин маоний хурдасин, юз қатла ҳайф,**
**Ким, нисор этмакка шоҳи хурдадоне топмадим.**

**Ишқ аро Зикрилло ошиқ — бағри куйган жарчи мен,**
**Гар муҳаббат сийму зардир, бир фидоий зарчи мен,**
**То тирикдурман садоқат деб ёнурман ҳарчи мен,**
**Ул амон ичинда бўлсун, эй Навоий, гарчи мен,**
**Бир замон ишқида меҳнатдин амоне топмадим.**

## ҚОЛДИМУ

*Бобур ғазалига мухаммас*

**Воҳким, ёрнинг менга меҳру вафоси қолдиму?**
**Бошим узра тун бўлиб қошни қароси қолдиму?**
**Менга кўк меҳробининг меҳригиёси қолдиму?**
**Чархнинг мен кўрмаган жавру жафоси қолдиму?**
**Хаста кўнглум чекмаган дарду балоси қолдиму?**

**Ўз диёримдин кетиб, бошимга тушди залвар иш,**
**Во дариғ, кор қилмагай минг оҳ уриб, минг ёлбориш,**
**Бўлмади қайта насиб оҳ, анда жонимни кўриш,**
**Мени хор эттию қилди муддаийга нарвариш,**
**Даҳри дуннарварни ўзга муддаоси қолдиму?**

**Бир тараҳҳум айламай, ёр бошима ёғдирди тош,**
**Васлу ҳижрон орасинда бўлди бу жоним талош,**
**Кўзларимдин оқди тинмай томчи-томчи қонли ёш,**
**Мени ўлтурди жафою жавр бирла ул қуёш,**
**Эмди тиргузмоқ учун меҳру вафоси қолдиму?**

**Боқма ҳайратда мани маҳзун сўзимға, эй рафиқ,**
**Ёр десам, агёр кўрингайдур кўзимга, эй рафиқ,**
**Бўлма ҳайрон полаю афғон-бўзимға, эй рафиқ,**
**Ошиқ ўлгач кўрдим ўлимни ўзимға, эй рафиқ,**
**Ўзга кўнглумнинг бу оламда ҳароси қолдиму?**

**Ишқ йўлида бўлди Зикрилло музтар, қилма айб,**
**Ёрижоним кел, дебон, ҳар лаҳза қистар, қилма айб,**
**Ёр учун жон нарчасини қилса бистар, қилма айб,**
**Эй кўнгул, гар Бобур ул оламни истар, қилма айб,**
**Тенгри учун де, бу оламнинг сафоси қолдиму?**

**Зикрилла НЕЪМАТ.**

ISSN 2010-5355

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI IIV BIRLASHGAN TAHRIRIYATI**

MUASSIS: **O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ICHKI ISHLAR VAZIRLIGI**

Bosh muharrir o'rinbosari **Aleksandr VORGUDYAYEV**

Mas'ul kotib – **Rahmatilla BERDIYEV**
Navbatchi – **Umida BOLLIYEVA**
Sahifalovchi – **Zokir BOLTAYEV**
Matn ko'chiruvchi – **Gulnora SODIQOVA**

**TELEFONLAR:** 231-30-40; 231-33-88; **Faks:** 232-05-51.
**E-mail:** postda08@mail.ru

Ko'chirib bosishda «Postda»dan olinganligini ko'rsatish shart.
Qo'lyozmalar tahlil qilinmaydi va qaytarilmaydi.

Tahririyat hisob raqami 20210000700447980001, MFO 00421. «Ipak yo'li» aksiyadorlik innovatsion tijorat bankining Mirzo Ulug'bek bo'limi. INN 200637499.

«O'zbekiston» nashriyot-matbaa ijodiy uyi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: Alisher Navoiy ko'chasi 30-uy.

Gazeta haftaning shanba kunlari chiqadi.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va Axborot agentligida 2007 yil 11 yanvarda 0120 raqam bilan ro'yxatga olingan. Buyurtma J-6874. Bosilish – ofset usulida. Hajmi – 4 bosma taboq. 57191 nusxada chop etildi. Obuna raqamlari: Yakka tartibda – 180. Tashkilotlar uchun – 366. Bosishga topshirish vaqti – 23.00. Bosishga topshirildi – 23.00.

**MANZILIMIZ: 100029, Toshkent, Yunus Rajabiy ko'chasi, 1.**